БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ЁШ ЛЕНИНЧИ

Газета 1925 йил 8 феврАлдан чиқа бошлаган

1990 йил 19 июль Пайшанба
№ 134 (13.570).
Баҳоси 3 тийин.

• ЎЗБЕКИСТОН ЛКЁИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИНИНГ БОШ НАШРИ •

Жумҳурият янгиликлари

● ХОРАЗМ вилояти марказидан қўшни Туркманистондаги Кўҳна Урганч қўриқхона шаҳригача бўлган маршрут машҳур қадимги карвон йўлининг бир қисмидан ўтади. Бу маршрутни «Хорезмтурист» турист-саёҳат ишлаб чиқариш бирлашмаси тайёрлади.

Сайёҳлар 200 километрдан кўпроқ масофага чўзилган бутун йўл давомида бу жойлардаги тарихий ва меъморий ёдгорликлар билан, ўлка аҳолисининг ўзига хос маданияти ва анъаналари билан танишдилар. Булар орасида Кўҳна Урганчнинг қадимий ёдгорликлари ҳам бор. Маршрут иштирокчиларига айланма зиналар орқали миноралар тепасига кўтарилиш, гўзалликда ягона Тўрабекхоним мақбарасида, маҳаллий музейларда бўлиш имкони берилди.

Йўл бошловчиларнинг лекциялари шаҳар тарихининг ғоят қизиқарли саҳифаларини очди. Улар ёрдамида ўзбеклар ва туркманлар, қорақалпоқлар, қозоқлар — Буюк ипак йўли чорраҳасида яшовчи халқларнинг маданиятлари ва анъаналари ўртасидаги алоқа тўғрисида ҳам билиб олдилар.

Янги автомаршрутнинг вужудга келишига Хоразм ва Туркманистон ССРнинг Тошовуз вилояти туристлар комплекслари жамоаларининг ҳамкорлиги ёрдам берди.

● АНДИЖОН вилояти Избоскан ноҳияси маркази бўлган Пойтуғ шаҳри маданият ва истироҳат боғи янги болалар аттракционлари билан бойиди. Булар орасида арғимчоқлар, от ўйинлар, ракеталар, томоша қилиш ғилдираги — жами маҳаллий болаларни қувонтирувчи йигирмадан зиёд аттракцион бор. Боғ йўлкалари четида эртакнамо ёғоч кулбалар кўринишидаги павильонлар жойлашган — бу ерда музқаймоқ, ширинликлар, ўйинчоқлар сотилади.

Кўнгилочар жойлари кам бўлган чоғроққина ноҳия шаҳарчаси учун боғнинг реконструкция қилиниши катта воқеа бўлди. Узоқ вақтдан буён қаровсиз қолиб, ҳувуллаб ётган истироҳат боғи одамлар эътиборини ўзига тортмас эди. Аҳоли шаҳар маъмурларини кутиб ўтирмай, енг шимариб ишга киришишга аҳд қилди. Ҳашар йўли билан одамлар боғни бутунлай ўзгартириб юбордилар. Бу ерда учта янги чойхона, концерт майдончаси, биллиардхона пайдо бўлди. Якшанба кунлари бадиий жамоалар концерт қўя бошлашди.

● ШАҲРИХОН тикувчилик-трикотаж фабрикасида ташкил этилган янги кенг истеъмол моллари участкаси асосий ишлаб чиқариш чиқиндиларини қайта ишлаш имкониятини берди. Бу ерда 60 нафар ёш аёл ишламоқда. Уларга қулайлик яратилган: аёллар фақат кундузи бир неча соат ёки тўла смена ишлайдилар.

Уларнинг кўпчилиги илгари олий малака орттиришган, кейинчалик эса турмуш қуриб, фарзандли бўлишган.... Сменада ишлашга уларнинг қурби келмай қолди. Корхона раҳбарлари бунинг иложини топдилар: ёш оналарга ўзлари учун қулай бўлган иш жадвалига мувофиқ кенг истеъмол моллари участкасида ишлашни таклиф қилишди.

(ЎзТАГ).
Андижон вилояти.



Бозор қаердан бошланади? Унда нарх-навони ким белгилайди? Бозор қишлоқдан экинзор-у, боғ-роғлардан бошланади. Нарх-навони табиат, меҳнат белгилайди. Бозорда, дўконларда серобчилик бўлса, «бу йил тўкин-сочин келди» дейишади. Аслида бу тўкин-сочинликда соҳибкорларнинг меҳнати мислсиздир. Суратга қаранг, «Тупроғидан олтин унган» Ўзбекистонимиз замини нақадар сахий. Қанча ардоқласак, тупроғини кўзимизга суртсак арзийди.

СУРАТДА: Сирдарё вилоятининг Оқ олтин ноҳиясидаги 17-сонли «Фирқа XXII съезди» давлат хўжалигининг боғдорчилик бригадаси миришкорлари.

Е. БОТИРОВ сурати.

СССР Ички ишлар вазирлигининг шарҳи

ҚАРОҚЧИЛАР ҲОЗИРЧА ТЎСИҚНИ ЧЕТЛАБ ЎТИШМОҚДА

Тўртинчи июль куни соат 3 дан 35 минут ўтганда Сочидан Ростов-Донга учган ТУ-134 тайёрасининг йўловчиси, ҳаво кемасини портлатиб юбораман, дея қўрқитиб, экипаждан йўлни ўзгартиришни ва Туркияга қараб учишни талаб қилди. Тайёра соат 3 дан 48 минут ўтганда Ростов-Дон шаҳри тайёрагоҳига келиб қўнди. Қўлга олиш гуруҳи ҳеч қандай қаршиликсиз Р. Маевскаяни ушлади. У 1960 йилда туғилган, Адлер шаҳридаги китоб дўконида сотувчи бўлиб ишлайди Унинг ёнидан портловчи моддалар топилмади. Ҳозир терговолиб борилмоқда

Кейинги вақтда бундай хабарлар бот-бот бўлиб турибди. СИТА мухбири СССР Ички ишлар вазирлигининг транспортда ички ишлар Бош бошқармасининг бошлиғи, ички хизмат генерал-лейтенанти В. Д. ЕГОРОВга мурожаат этиб, ундан бу воқеаларни шарҳлаб беришни сўради.

— Ўтган йили учта тайёрага ҳужум қилинганига қарамай, уларнинг бирортаси ҳам чет элга учиб кета олмади. Ҳозир вазият кескин ўзгарди. Олтита ҳаво кемамиз мамлакатимиз ташқарисидаги мамлакатларга қўнишга мажбур бўлди Бу тайёраларнинг бештаси Швеция билан Финляндияда турибди. Тўрт марта тайёрани олиб қочишга ҳаракат қилинди, лекин унинг пайи қирқилди.

— Тартибни қўриқлаш ва ҳаво йўловчилари хавфсизлигини таъминлаш органлари бундай воқеаларнинг олдини олиш ва қароқчиларга қарши ҳаракат қилишдан кўра, бундай жиноятларни қайд этишга мойилроқ эканлиги хусусида таассурот пайдо бўлмоқда...

— Бу хато таассурот. СССР Граждан авиацияси вазирлиги, Давлат хавфсизлиги қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги ва Мудофаа вазирлигининг бўлинмалари граждан авиацияси ҳаво кемаларини олиб қочишга қарши курашда қалин ҳамкорликда ҳаракат қилишмоқда. Энг муҳими — ҳаво террорчилигининг олдини олиш, тайёрани қўлга тушириш ва уни олиб қочишга тайёрланаётган шахсларни аниқлаш, жиноятқорона ҳаракатларнинг пайини қирқишдир. Бу эса, ниҳоят оғир оқибатларга йўл қўймаслик учун имконият яратади.

— Ҳозир хавфсизлик хизмати қўлида ҳаво қароқчилари тўғрисида етарли маълумотлар бўлган бир вақтда, бу қандай тоифадаги жиноятчилар эканлигини айтиш мумкинми!

— Бу ўринда ватандошларимизни уларнинг хорижий мамлакатлардаги «шериклари» билан таққослаш қизиқарлидир. Чет элларда террорчи ва экстремист гуруҳлар ҳамда ташкилотлар кўпинча бундай ҳатти-ҳаракатлар қилганликларини, сиёсий мақсадни кўзлаганликларини тажриба кўрсатиб турибди. Бизда эса илгари жиноят содир этган ва одил суддан қочишга уринаётган, шунингдек, руҳий касалликка йўлиққан ёки турмуш қийинчиликлари сабабли ҳар қандай усул билан хорижга кетишга ҳаракат қилаётган кишилар кўзга чалинади. Улар билан муомала қилиш қийин. Ўтакетган риёкорлик, экипаж билан музокараларда ён босмаслик мутлақо бегуноҳ кишиларни ҳалокатга олиб келди. 1958 йилдан бери ҳаво қароқчилари қурол қўлланишлари, тайёраларда портловчи қурилмалардан фойдаланишлари натижасида 120 киши ўлди ва 200 дан ортиқ киши жароҳатланди.

— 1970—1975 йилларда тайёраларни қуролланган милиция ходимлари кузатиб бориши йўлга қўйилган эди.

— Бу қароқчиларни тийиб туришда яхши восита бўлди. Биз бу ишни яна тиклаш мумкин, деб ҳисоблаймиз. Ҳозир СССР граждан авиацияси хавфсизлиги давлат программасининг лойиҳаси ишлаб чиқилган. Уни амалга ошириш учун мамлакат тайёрагоҳларида тегишли хизматларни тузиш режалаштирилган.

— Хорижий тайёрагоҳларда тайёраларимизни қўндиришга муваффақ бўлган қароқчиларнинг тақдири нима бўлди!

— СССР ҳам қатнашчиси бўлган 1970 йил Гаага конвенциясида жиноятчиларни қайтариб бериш ёки уларни тайёра олиб қочилган мамлакат қонунларига биноан жазолаш назарда тутилади. Мамлакатимиз жиноятчилар қайтариб берилиши тарафдоридир. Швеция ва Финляндиядаги кенг жамоатчилик доиралари ҳам худди шундай фикрда. Ўйлаймизки, соғлом ақл ғолиб келади ва жиноятчилар бизда суд қилинади. Бундай жиноятчиларни сўзсиз қайтариб бериш тўғрисида халқаро ҳужжат қабул қилиниши керак, деб ҳисоблаймиз. Бу эса ҳаво қароқчиларини жиддий равишда тийиб туриш учун муҳим аҳамият касб этган бўлур эди.

ИСТЕЪДОДЛАР ИЗЛАНМОҚДА

Нукусда академик М. Нурмуҳамедов номли иқтидорли ёшлар фонди ташкил қилинди. Бу фонд мухтор жумҳурият фани, техникаси ва маданияти таниқли арбобларининг, бир қанча жамоат ташкилотлари ва йирик корхоналарнинг ташаббуси билан тузилди.

— Фонднинг асосий вазифаси региондаги энг муҳим муаммони ҳал этишдан иборатдир, — дейди фонд раиси, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Қорақалпоғистон филиали ҳисоблаш марказининг директори Н. К. Аимбетов. — Мен Қорақалпоғистон фани, халқ хўжалиги ва маданиятини бутуниттифоқ ва жаҳон даражасига кўтара оладиган юқори малакали мутахассислар тайёрлашни назарда тутяпман. Истеъдодли мактаб ўқувчилари ва студентларни танлаб олиш ҳамда уларни махсус ўқув юртлари ва мактаб интернатларда ўқитиш йўли билан биз бўлажак мутахассисларнинг касб даражасини оширишга умид қиляпмиз. Кейинчалик биз уларни мамлакатдаги етакчи олий ўқув юртларига, шунингдек чет элга ўқишга юборамиз. Ўқиш даврида уларга маънавий ва моддий ёрдам бериб турамиз.

Фонднинг молия маблағи ҳомийларнинг, шунингдек совет ҳамда чет эл ташкилотлари ва фуқароларининг кўнгилли бадаллари ҳисобига шаклланади. Чунончи, корхоналар ва ташкилотлар даромадининг фондга ўтказилган қисми давлат бюджетига солиқ тўлашдан озод қилинади.

Фонд ташкил этиш ташаббусини мухтор жумҳурият ҳукумати ва жамоатчилиги қўллаб-қувватлади.

(ЎзТАГ).

Биринчи саҳифага мактуб

Умид ўзимиздан

Мен СССР халқ депутатлари Съездларини, Иттифоқ Олий Шўроси ва жумҳуриятимиз Олий Шўроси сессияларини кузатиб бориб мустақилликка эришиш фақат ўзимизга боғлиқ эканлигига ишончим комил бўлди. Жумладан, жумҳуриятимиздан сайланган СССР халқ депутатлари (ҳаммаси бўлмаса-да) Москвада Съездларда ва сессияларда қанчалик куйиб-пишиб жумҳуриятимизнинг қийин аҳволи тўғрисида, уни яхшилаш ҳақида гапирмасинлар, уларнинг айтган сўзлари эътиборга олинмасдан қолаётгани равшан. Айниқса, Гдлян ва Иванов иши бўйича бўлган мунозараларни эслайлик. Ахир бу терговчиларнинг ноқонуний, жиноятқорона хатти-ҳаракатларини ўз кўзлари билан кўрган, бевосита билган ўзбекистонлик депутатларга ишонишмасдан Москва, Ленинград ва бошқа ерлардан келган депутатларнинг фикрлари инобатга олинганлигини қандай баҳолаш мумкин? Мени кечирасизлар-у, лекин бу ўзимизнинг қадимдан қолган «кўрганни эшитган енгибди», деган нақлни эслатади. Агар шундай бўлмаганда Гдлянни СССР халқ депутати қилиб сайлаган Зеленоград шаҳри сайловчиларининг «ўзбекистонлик депутатларни Съезд минбарига яқин йўлатманг» деб юборган мактубига нима дейсиз?!

Юқоридагиларнинг ҳаммасини фикримдан ўтказиб, шуни айтмоқчиманки, Ўзбекистондан сайланган СССР халқ депутатларини заррача камситмаган ҳолда, уларнинг жумҳуриятимиз тақдирини ижобий жиҳатга ўзгартиришига таъсирлари сезиларли бўлишига ишона олмайман. Чунки 2200 дан зиёд депутат ичида бор-йўғи 100 нафар, борингки, Ўрта Осиёдаги бошқа жумҳуриятлардан сайланган депутатлар қўллаб-қувватлаган тақдирда ҳам бирон қарор фойдамизга қабул қилинишига эришиш амри маҳол. Шунинг учун фақат Ўзбекистон ССР халқ депутатларидан ва жумҳуриятимиз Олий Шўросидан умид қилишимиз мумкин, деб ҳисоблайман. Агар улар Ўзбекистон ССР Олий Шўроси II сессиядагидек журъаткор ва фаол бўлсалар, бир неча ўн йиллар мобайнида ўзбек халқининг қаддини букиб келган муаммолардан яқин вақт ичида халос бўлишимизга ишончим комил.

Э. ХУЖАҚУЛОВ,
Боғот ноҳия фирқа қўмитаси умумий бўлим мудири.

Шу сонга хабар

Раҳмат, «Ёш ленинчи»!

Ҳаётда бошингга оғир кун тушгандагина атрофдагиларнинг кимлигини қалбдан ҳис қиларкансан киши. Агар улар сенга озгина ёрдам қўлларини чўзса бошинг кўкларга етади. Лекин шундай пайтларда улар қўл силтаб, лоқайдлик қилишса ғамингга ғам, дардингга дард қўшиларкан. 1978 йилдан бери I гуруҳ ногирони ўғлим Қудратжон билан бирга яшаймиз. Тўғриси боламнинг ҳаётда қандай қийналиб яшаётгани тўғрисида ёзишга тилим бормайди. Кўплар «ўғлингизни ногирон болалар уйига топширинг» дейишди. Қандай қилиб ўз фарзандимни у ерга олиб бораман. Ногирон бўлса ҳам фарзандимку! Унга жонимни ҳам беришга тайёрман.

Лекин бир нарса менга қаттиқ таъсир қилди. 1984 йилдан бери Пискент ноҳияси ижроқўмида ногирон ўғлим учун енгил автомашинага навбатга турардим. Яқинда ижроқўмдагилардан сўрасам, «Сизнинг аризангиз йўқолган» дейишди. Йўқолса мен айбдор эмасман-ку, дедим. Сўнг кўплаб ташкилотларга ёрдам сўраб шикоятлар ёздим. Лекин фойдаси бўлмади.

Тўғриси агар ўғлим шу аҳволда бўлмаганида машина сўраб шикоятлар ёзмаган бўлардим. Чунки ўғлимни ҳар ҳафтада Тошкентга врачлар кўригига олиб боришимиз керак. Йўловчи машинада эса касал болани кўтариб юришдай азоб бўлмаса керак дунёда. Мен бу ҳақда сизларга ёрдам сўраб шикоят ёзгандим. Раҳмат, сизларга! Мухбирингиз Мирза АБДУЛЛАЕВнинг ёрдами билан оиламизга ижроқўм «Москвич-412» маркали енгил автомашина ажратишди. Раҳмат сизга, «Ёш ленинчи»лар! Бизлардай, ҳеч ким дардини тингламайдиган бечораларга ёрдам қўлини чўзаётганларингиз учун. Сизларга оиламиз номидан миннатдорчилик билдирамиз. Салом билан.

Мактуба АБДУҚОДИРОВА,
Пискент ноҳияси, Ленин кўчаси, 174-уй, 15-хонадон.

Қаердасан, Турсунбой?

Рўзномамизга ҳар куни мамлакатимизнинг турли бурчакларидан юзлаб мактублар келади. Яқинда шундай хатларнинг бирини ўқиб ҳам қувондик, ҳам ачиндик. Мактуб соф ўзбек тилида битилган. (Айрим жузъий хатоларни ҳисобга олмаганда). Уни бизга олис Арманистоннинг Кафан шаҳридан Ишхон Амирханян деган киши йўллаган. Яхшиси мактубни асл ҳолича эълон қилишни лозим топдик...

«Дўстлик... Шу биргина муқаддас сўз замирида қанчалар залворли маъно яширин. Бу ҳислат кишидан ҳалолликни инсонийликни талаб қилади. Мен ажойиб ўзбек йигити Турсунбой Турғунов билан Улуғ Ватан уруши йилларида қадрдон бўлиб қолгандим. Биз бу даҳшатли урушнинг энг оғир кунларини биргаликда бошимиздан кечирганмиз. У билан 1946 йили Жанубий Осетияда сўнгги бор хайрлашган эдик. Мана шундан бери 44 йил ўтибди. Дўстимни сўроқлаб ёзмаган жойим қолмади. Ҳеч қандай хат-хабар йўқ. Балки у дунёдан ўтиб кетгандир? Лекин менинг кўнглимда бир олам соғинч яширин. Эндиги умидим сизлардан азиз редакция ходимлари. Турсунбойнинг менга ёзиб берган уй адреси қуйидагича эди: **Тошкент вилояти, Бекобод ноҳияси Гулистон қишлоқ Совети.**

Мен «Ёш ленинчи» рўзномасининг барча ўқувчиларидан ўтиниб сўрайман. Кимда-ким Турсунбой Турғуновни таниса у ҳақда бирон-бир маълумотга эга бўлса, менга хабар қилсин. Балки қуролдошимнинг фарзандлари, яқин кишилари, дўстлари бордир...

Фронтдош Турсунбой, қаердасан, овоз бер!

Менинг адресим: Арманистон ССР, Кафан шаҳри, Спандарян кўчаси, 8-уй, 15-хонадон. Амирханян Ишхан Ашотович».

Янги газлама

Наманган шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг жамоаси вискоза билан лавсан аралашган янги газлама ишлаб чиқаришни ўзлаштирди. Бу газламадан кўйлаклар тикилади.

Янгиликни унча тарғиб қилишга тўғри келмади: аввал чиқарилган газламаларга нисбатан унинг янада сифатли эканлиги шундоққина кўриниб турибди. Йил охиригача истеъмолчиларга 10 миллион метр газлама тайёрланиб, жўнатилади. Бу корхонада ишлаб чиқариш йўлга қўйилган газламаларнинг саккизинчи туридир. Эҳтиёж катта бўлган яна бир маҳсулот тури кўплаб ишлаб чиқаришга тайёрлаб қўйилди — бу плашч тикиладиган газламадир.

(ЎзТАГ мухбири).

Бу музейда бўлганмисиз

Пойтахтимизнинг марказида тўзал бир бино бор. У ерда жумҳурият халқ амалий санъати музейи жойлашган. Бу жой ҳар доим санъат ихлосмандлари, меҳмонлар билан гавжум. Музей янги-янги ноёб буюмлар билан бойимоқда. Яқинда биз ана шу даргоҳда бўлиб, унинг фидойи ходимлари билан учрашдик.

— Бу ерда вақти-вақти билан санъаткорларнинг кўргазмалари очилади, — дейди музей директори ўринбосари Ҳуррият Отажонова. — Айни пайтда Наманган бадиий буюмлар фабрикасининг маҳсулотлари намойиш этиляпти. Машинада тикилган кашталар, сўзана, гул кўрпа, палак, чойшаб кабиларнинг янги нусхалари томошабинларда, айниқса хорижлик меҳмонларда катта қизиқиш уйғотмоқда.

Ўзбекистон халқ рассоми Ёқубжон Қорабоевнинг шахсий кўргазмаси диққатингизни ўзига тортади. Унинг Иттифоқ ва жаҳон кўргазмаларида муносиб тақдирланган ўттиздан ортиқ асарлари ўрин олган. «Оқ олтин», «Шоҳсанам», «Ўзбекистон минораси», «Олтин сана» каби турли хил чинни буюмларга ишланган намуналарда юксак мусаввирлик санъатини кўриш мумкин. Булар орасида Навоийнинг 500 йиллик юбилейига чизилган «Беҳзод», «Қуш тили» ансамблларини алоҳида таъкидлаб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

— Мен ўзимни санъатсиз тасаввур қилолмайман, — дейди Ёқубжон ака. —Ленинград, Москва, Тошкент кўргазма ва музейларида ўз асарларим билан қатнашиб тураман. Турли миллат вакилларининг диққатини жалб қилган ҳолда, ўзбек халқи санъатининг бир қиррасини кўрсата олдиммикин, деган фикрда бўламан.

Қулоқ тутсангиз, бу ердаги ҳар бир тарихий санъат асарларидан мозий овози келаётгандек туюлади. Ҳа, ота-боболаримиз авлоду-аждодларимиз овози... Буни келажак ҳам эшитсин. Шунинг учун уларни кўз қорачиғидек асраш биз учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Юсуфжон РАСУЛОВ,
ТошДД толиби.

Шу сонга хабар

Долзарб мавзу

- Ўзбекнинг алами қаттиқ бўлади.
- Ўзбекнинг мотами юракдан ўтади.
- Онанинг мотами ёмон бўлади.

МАНЗИЛГА ЕТМАГАН ДАРЁ

Азизлар, борлиқнинг ўзингизга маълум қишлоқ деган дунёси бор. Бу дунёда шодлик ҳам, ғам ҳам, алам ҳам ўртада. Қалбида қулф бўлмагандай бир замонлар уйида ҳам қулф бўлмаган одамларнинг энг оғир куни ҳам ўртада. Қишлоқда меҳр устуни жуда баланд бўлади.

Лекин қишлоқ кексаларининг, момоларининг эсловларига кўра ҳозир мен сизга айтиб берадиган фожиани етти авлодни ҳам кўрмаган, эшитмаган экан.

22 яшар Отаназар Машарипов ўзининг тўйи куни 22 ёшда автомобиль ҳалокатидан жувонмарг бўлди...

Билмадим, балки бу фожиаларнинг ичида юрганим учун ҳам бир онанинг, бир оиланинг шўриш қисматини тасвирлай олмасман. Неча йиллар-ки, боланинг хаёлотимга муҳрланиб қолган фожиани, етдим деганда қоқилиб, келинчакнинг оқ орзудай либоси ўрнига, кўк кўйлак кийиб зор-зор йиғлаган, орзулари армон бўлган келинчак, неча йиллар-ки, тегрaмда айланади... Йиллар-ки у, тўйларда алёр айтсам, гўё одамлар орқасида туриб менга маъюс тикилиб тураверади.

Келин-ку, мотам кунлари бехос сочилган юраги ва қалбининг синиқларини териб, бир йилда ўзга уйнинг остонасига қадам қўйди. Сарполар қолди, ошлар маъракага ярадн. Поёндозлар тўшалмади. Безалган уйлар, шайланган торлар маҳзун қолди. Ҳаммасидан ҳам... кўксида аламнинг тоши мангу қотган бир она қолди.

Тўй куни Римажон эна, Отаназар ўлди деган сўзни эшитди-ю, ҳушидан кетди. Ўғлининг кўмилганини ҳам кўрмай қолаверди. Бу сўзларни ёзмоқ учун ниҳоятда шафқатсиз бўлмоқ даркор. Мен эса ўқиётганингиздай ёзаяпман.

Римажон эна ўша машъум 1974 йилдан сўнг ишламади, кўп ўтмай пенсияга чиқди. Унгача Шовот даҳасининг «Правда» жамоа хўжалигида ўттиз тўрт йил ишлаган. Илгари бу хўжалик Сталин номи билан аталарди.

Ўтирибмиз, суҳбатлашяпмиз. Римажон эна менга ҳайрон тикилади, 65 га чиқибман-а, деб ажабланади. Хижолатли кулади, юзи қизғиш тус олади. Аста гап бошлайди.

— Шу кунда Аваз Ўтар ўғли мактабида ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари бўлиб ишлаётган Омонгалди қорнимда олти ойлигида турмуш ўртоғим Собиржон урушга жўнаб кетганди. Мен эса пахта экилаётган ерларни ағдариш, замбил билан гўнг ташишда мингнинчи сафига қўшилиб, кечаси кундузи далада ишлардим. Кечалари икки уч соат ухлаб олардикда, машъала ёқиб ишлайверардик.

Мен эса онанинг бир тола қораси қолмаган сочига тикилиб, ҳар хил аҳмоқона, бўлмағур ташаббускорларнинг томири жуда узоқда, чуқурда экан деб ўкинаман. Негаки ҳар хил чақириқлар билан шундоғам ўзи дам олишсиз ишлаётган аёлларни далага чорлаш бемаъниликдан бошқа нарса эмас. Ўз навбатида ҳар бир виждонли одам қўлидан келганини аямасди. Умуман, ҳар бир ўзбек аёлининг ўзи бир тирик тарих. Улар ўша Қодирий отилган кунлардан, Усмон Носир, Чўлпон, Фитратга чоҳ қазилган чоғларни бошдан ўтиб шу кунларгача етиб келди.

Биз эса турғунлик йилларида йўғрилган шуурмиз кучи билан, сув оқиб кетгандан кейин, азизлар ўтиб кетгандан сўнг бироз ўйлаб қоламиз.

— Айтинг-чи, — деймап мен кулибгина тикилиб ўтирган энамизга, — урушдан қанча узоқлашганимиз сари уруш ҳақидаги тасаввурларимиз ўзгариб бормоқда. Оғир кунларни бошидан кечирган шонли аёллар, дейдиганлар кўпайган. Ўша кунларда қандай яшагансизлар, ишлагансизлар?

— Нима ҳақида гапирсам экан сенга, болам, — бизнинг қаҳрамонимиз ҳам барча қишлоқ аёлларидай сўзамол эмас. — Иш жуда оғир эди, уст-бошимиз чатоқ. Бир дугонамнинг бўйлган бўз кўйлагини меҳмонга борсак сўраб олиб киярдик. Мен терилган пахталарни хўкиз арава билан пунктга олиб борардим, 50 килоли тўрхалтали пахталарни фондининг энг баланд жойигача олиб бориб тўкардим. Нимасини яширай қизим, у пайтларда касал бўлсанг ишонишмасди, бориб далада одамларнинг кўзида ўтиришинг ёки ётишинг керак эди. Раисларга, бригадирларга ҳой дейдиган одам йўқ. Уриб, ҳақоратлаб иш буюришарди.

Шу сўнгги гапларни ўқиб муштарийларимизнинг баъзилари ажабланиши тайин. Минг таассуф-ки, ҳатто мен далада ишлаб юрган 1975 йилларда ҳам бечораҳолроқ одамларнинг қисматида ҳам бу гаплар бор эди.

1947 йил Хоразм вилоятида темир йўл қурила бошлади. Йигитлар урушда, темир йўл қурилишига ва йўл дамбасини кўтаришга яна темир белбоғли, унвонсиз қаҳрамонлар, яъниким хотинлар отланди. Римажон эна ҳам 4 ёшлик ўғлини ташлаб, чой-нонини белига боғлаб йўлга чиқди. Унинг азобларини эшхон бир умр эслай қолди. Нега-ки, кейинги умрини оёқ оғриқ, нафас қисиши, юрак хуружи каби хилма-хил касалликларни даволатиш билан ўтмоқда.

— Кечаси лойда туриб дамбага тупроқ олишарди. Кундузи замбилда кесак ташишарди. Кечалари эса ўзлари тупроқ олган хандақларга хас-чўп ташлаб ухлашарди. Навқирон аёл ҳар икки уч ойдан юз километрлар йўл босиб Моноқ қишлоғига бориб ўғли Омонгалдини кўриб келарди.

Хуллас, ҳўкиз билан омоч қўшди, пахта экилганда от тортаётган сеялкага ўтирди. Ва ниҳоят эсон-омон 1948 йилнинг нурли кунлари келди. Бу йили эса ёлғизининг отаси, ўғли 6 ёшга тўлганда урушдан қайтиб келди. Собир ака Машарипов уруш тугагандан сўнг ҳам буйруқ бўйича икки ярим йил Белоруссиянинг вайрон бўлган шаҳарларини тиклашда тер тўкди. Ваҳоланки, урушдан узоқ ўзбекнинг қишлоқларида одамларни очлик юта бошлаган эди. Хотинларнинг томорқасида етиштирган сабзавотларидан тортиб тақинчоқларигача урушга олиб кетишди. Холисанлиллоҳ айтганда, бир этак бола билан қолган оч-юпун ўзбек аёлига нисбатан урушдагиларга енгилроқ бўлса керак, деб ўйлайман.

С. Машарипов 26 алоқа полки сафида Одинцов, Можайск, Вязма... Каунас шаҳарлари учун бўлган жангларда тортиб, Германиягача борди. Байроқни ўз қўли билан тикмаган бўлса ҳам, ўша сафарларда ўлим билан юзма-юз турди, қон кечиб жанг қилди. Ва урушга етти йиллик умрини сарфлаб юртига эсон-омон қайтди. Шу кунда Собиржон ота 73 ёшда 55 сўм пенсия олиб қариликнинг «гаштини» сурмоқда. Ҳар йили Ғалаба байрами кунларида ёрлиқлар ва медаллар билан тақдирланмоқда... Римажон энамиз 50 сўм оладилар. Жами — 105 сўм.

Мавзуга қайтсак. Сўнг Римажон ўн тўрт фарзанд кўрди, шулардан еттитаси ҳаёт, Омонгалди, Бекпоша, Зиёда, Нурпошша, Юсуф ва Зулайҳо, Рустам — фарзандларининг ҳаммаси олий маълумотли, эл севган инсонлар. Умрнинг яхши кунларидан орзу-ҳавас кутиб яшамоқда. 1952 йилда қурилган уйни ўтган йили қишлоқ аҳли кўмагида кўтариб олишди.

Пенсия эса олдингидай эди. Пешона тери ва ҳалол меҳнати билан кун кечирган одамнинг қадр-қиммати пул билан ўлчанадиган бўлса — бу жуда паст ва шармандали ўлчовдир. Америкадаги ишсизнинг нафақаси, бу иккала табаррук инсоннинг пенсиясидан кўпроқ.

Пенсиялар кўпаймоқда бу гапларни ёзмаса ҳам бўларди дерсиз. Асло бўлмайди. Ахир бу дунёга яшайман, деб келган ҳалол инсонларнинг умр карвони манзил сари бормоқда.

Кам пенсия оладиганлар Тожигул Нафасова, Сафаргул Саидова, Екутжон Норматова, Екутжон Қожокова ва Хайитжон Ҳайитбоева каби оналарнинг меҳнатини бутун эл билади. Бошқаларни айтмаганим учун азиз қишлоқдошларимиз маъзур тутсин мени. Агар рўйхатни давом эттирадиган бўлсам бутун Ўзбекистон аёлларининг номини ёзишим керак бўлади.

Римажон эна менга яна нимадир айтмоқчи бўлиб, тараддудланди. Лекин негадир сукут сақлади. Балки бахт ҳақида, ҳозир аёлларимизнинг жуда бахтлиман, деган урфга кирган сўзларини айтмоқчи бўлдими, билмадим. Лекин шу нарсани аниқ биламан-ки, баъзан дарёлар манзилга етиб бормаса ҳам, бир ёруғ кун келишига ишонгим келади.

Серфарзанд оналаримизнинг бир кунлик умри беназир қаҳрамонликдир. Токи, Ўзбекистон жумҳуриятида «Ўзбек аёлини асраш қўмитаси» тузилмасдан туриб — уни асрайлик. Она тарих ва келажакдир.

Муҳаммад қизи САЛОМАТ ВАФО.

ДИПЛОМЛИ ФЕРМЕР

Деҳқончилик — саноат комплекси бошқаруви жумҳурият Олий мактабининг Қорақалпоғистон бўлими дастлабки мутахассисларини тайёрлаб чиқарди. Бўлим мухтор жумҳурият қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив қўмитаси ҳузурида ташкил этилган.

Кегайли, Тўрткўл, Қўнғирот ва Ленинобод ноҳияларининг фермерлари бир ой мобайнида тижорат «сирлари»ни ўргандилар.

— Энди биз улар учун хотиржаммиз, — дейди бўлим раҳбари, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди Д. Мамбеткаримов. — Ҳозир кўпчилик фермерликка ёки ижарачиликка келяптию, лекин иқтисодий билимларга эга эмас. Натижада даромадни йўқотишяпти, баъзан хўжаликларнинг виждонсиз иқтисодчилари ва бухгалтерлари уларнинг иш ҳажмларини камайтириб юборишяпти. Машғулотларни олиб бориш учун биз мухтор жумҳуриятнинг етакчи олимларини ва Қорақалпоғистон АССР қишлоқ хўжалиги давлат-кооператив комитети мутахассисларини таклиф қилдик.

Керакли ишга асос солинди, лекин ҳали муаммолар кўп. Бўлимга аввало бақувват моддий-техника базаси зарур. У ҳозирча Нукус қишлоқ хўжалик техникуми биносида жойлашди. Бу ерда калькуляторлар бор, компьютерларда ишлаш, таълимнинг бошқа техника воситаларидан фойдаланиш мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси талабаларга ҳам керак бўлиб туради, натижада уларни ҳам, буларни ҳам ўқитиш сифати пасаймоқда.

Ҳозир эса мутахассисларнинг янги гуруҳини ўқитиш бошлаб юборилди. Энди булар пахта терими мавсуми бошлангунига қадар малакасини ошириш зарур бўлган Қорақалпоғистон пахта тайёрлаш пунктларининг катта бухгалтерларидир. Бу йил янги ўқув юртида жами 500 га яқин мутахассис таълим олади.

В. ЛУЦЕНКО.



Шаҳарда нақлиёт, корхона-ю заводлар тутун пуркайди. Қишлоқда ерга солинаётган ҳар хил кимёлар сувни, ҳавони булғайди. Экологиямиз инқирозга юз тутиб турган бир пайтда кишилар заҳарланмасликка, ҳеч бўлмаса заҳарланиш миқдорини камайтиришга ҳаракат қилишлари ҳам сир эмас. Заҳарнинг киши аъзои-баданига таъсир кучини қирқишнинг энг осон йўли — кўпроқ сутли маҳсулот истеъмол қилишдир. Қани энди ҳар куни эрталаб бир коса сут, кечқурун бир коса қаттиқ ичиб ётсангиз. Афсуски, сут маҳсулотлари дўконлар пештахтасида ҳар доим ҳам бўлавермайди...

Сиз суратда кўриб турган қиз Бибираҳима Ғофурова. У Қашқадарё вилояти Нишон ноҳиясидаги «Ленинобод» давлат хўжалиги фермасида хизмат қилади. Ўзига биркитилган 22 бош сигирдан ҳар куни 11-13 литрдан сут соғиб олиб, касбдош дугоналари ўртасида «улоқ»ни бермай келаётир. Унинг ўзи шундай дейди: «Мен эл дастурхонига оқлик тортаман. Бу оқлик халқимизнинг қон-қонига соғлик, поклик бўлиб сингсин!»

Сураткаш: Жўра БОБОРАҲМАТ.

Бизни ўйлантираётган муаммолар

НОМИГА МУНОСИБМИ?

Инсон боласи ёруғлик юзини кўрганда аввало унга чиройли ва маъноли исм қўйишни ўйлаймиз. Чунки ном одамга бир марта берилади. Шу боис дунёга келган ўғил-қизимизга исм қўяётганимизда ота-боболаримизнинг «етти ўлчаб, бир кес», деган нақлига амал қилинади.

Кошки эди, кўчаларга ном қўяётганимизда ҳам шундай қилсак?! Афсуски, бу масалада жумҳуриятимизда мақбул йўл тутилаяпти, деб бўлмайди. «Тошкент» китобчасини кўздан кечирар эканман, пойтахтимиздаги жуда кўплаб кўчаларнинг номлари шошма-шошарлик билан қўйилгани ҳайрон қолдирди. Бири «Молярная», иккинчиси «Урожайная», учинчиси эса «Прямая» деб аталиши қизиқ-да! Шу кўчаларда истиқомат қилувчилардан бу номлар нима билан боғлиқлиги ҳақида сўраганимизда улар елка қисишдан нарига ўтолмадилар. Ҳаттоки баъзилар, номлар қачон берилганиниям билишмайди.

Бунинг учун уларни асло айбламайман. Чунки бунинг ўзига яраша сабаблари бўлиши мумкин. Лекин бугунги қайта қуриш ва янгиланиш жараёни бу борада ҳам жиддий ўйлаб кўришни, кўчаларимизни муносиб номлашимизни тақозо этмоқда. Агар «Тошкент» аэропортидан таксигами, автобус ёки троллейбусга ўтирсангиз, тинчлик ва дўстлик шаҳрига Богдан Хмельницкий ва Шота Руставели кўчалари орқали кириб келасиз. Унга туташиб кетган юзлаб кўчаларни учратиш мумкин. Улардан бири яқингача «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» деб аталарди. Эндиликда унга ўзбек адабиётининг алломаси Абдулла Қодирий номи берилди.

Халқимизда «Бугунги ишни эртага қўйма», деган доно мақол бор. Шундай экан, бу эзгу юмушни аста-секинлик билан эмас, балки «Юз бор ўлчаб, бир бор кесган» ҳолда тезкорлик билан амалга ошириш keraкка ўхшайди. Чунки пойтахтда бир ёқлама маънога эга бўлган сийқа номлар шунчалик кўпки, ҳаттоки бир номдаги кўчанинг бири ўзбекча, иккинчиси эса русча номланган.

Инқилоб хиёбонидан Юнусободга йўл олсангиз «Широкая» кўчасига кўзингиз тушади. «Кенг» маъносидаги бу кўча бор-йўғи бир энликгина. У Олой бозори олдида жойлашган бўлиб, Энгельс кўчасига туташган. Энгельс кўчаси қаерда-ю, «Широкая» қаерда?! Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика институти бекатидан 11-троллейбусга ўтириб, Чилонзор томон юрсангиз «Обувная», «Черешневая» сингари номларга кўзингиз тушиб, кулишингизни ҳам, куюнишингизни ҳам билмайсиз. Чунки бу ерда на пойафзал фабрикаси бор, на олчазор! Хизмат юзасидан Фрунзе ноҳиясини кезар эканман, ўзбекча ном билан аталган кўчалар саноқли эканлигига амин бўлдим. «Хлопковая», «Западная», «Артиллерийская», «Ростовская» номлари нимани англатади?

Узоқ йиллардан буён Ивлиев (Фрунзе ноҳиясида) номи билан юритилиб келинган кўча қайта қуриш ва янгиланиш жараёнида Ивлев деб атала бошланибди. Қизиқ, бунинг қайси бири тўғри — Ивлиевми ёки Ивлев? Яна бир савол туғилади. Ивлиев ёки Ивлевнинг ўзи ким? Инқилобчими, олимми ёки давлат арбобими? «Малогоспитальная», «Железнодорожная» номларига эътибор қилинг. «Темир йўл» олдидаги кўчани «темир йўл» номи билан аэровокзал ёнидаги кўчани «тайёра» номи билан, борингки, дорихона олдидаги кўчани «дорихона» номи билан аташимиз тўғрими?

Биз бошқа шаҳарларда «Ўзбекистон» ёки «Тошкент» номи билан аталувчи кўчаларни кўриб қолсак, беҳад қувонамиз. Буни халқимизга, жумҳуриятимизга ҳурмат рамзи, деб тушунамиз. Шу маънода пойтахтимиз кўчаларининг «Краснодонская», «Курская» деб номланиши ўринлидир. Бироқ, бундай номларни бир-бирига қўшни бўлган кўчаларга қалаштириб ташлаш мақсадга мувофиқми?

Ленин ноҳияси кўчаларига қўйилган «Оборонная», «Локомотивная», «Сапёрная» сингари кўпдан-кўп номларга нима дейсиз? «Гэсовая», «Дубовая», «Ленточная», «Национальная», «Линейная», «Троллейная», «Чизельная», «Питомная», «Тепловозная» номли кўчаларни кўрганмисиз? «Аппаратная», «Временная», «Строительная», «Текстильная», «Полевая», «Пограничная», «Высоковольтная», «Урожайная» номли кўчаларни-чи? Масалан «Временная» сўзини олиб кўрайлик. Бу «вақтинчалик» маъносини билдиради. Нима, шу ном билан аталадиган кўча чиндан ҳам вақтинчаликми? «Высоковольтная» — «юқори кучланишли» дегани. Кўчанинг юқори ёки паст кучланиши ҳам бўладими? «Урожайная» номи эҳтимол рус тилида эриш туюлмас. Лекин ўзбек тилида «ҳосил» кўчаси десак ҳам эриш, ҳам кулгили туюлмайдими?!

Ғаройиб номлар билан юритиладиган кўчалар ўзбек тилида ҳам учрайди. Масалан, «Пилла», «Омонат», «Саноат», «Толариқ», «Оҳакчи», «Қумариқ», «Иқтисод», «Илтифот», «Иззат» ва ҳоказо. Бундан ташқари кўчаларимиз «Гулнор», «Гулсанам», «Гулсара», «Гулираъно», «Дилноз», «Зуҳра», «Зумрад», «Ибрат» номлари билан ҳам аталган. Мен кўчаларимизнинг чиройли-чиройли исмлар билан номланишига сира-сира қарши эмасман. Аммо, Гулнор қайси Гулнор? Гулираъно қайси Гулираъно? Агар бу номлар кўчаларимизга шунчаки қўйилган бўлса унда кўпчиликда у ёки бу кўчага ўз номимизни қўйишимиз мумкин экан-да, деган фикр туғилмайдими?

Мен бошқа шаҳарларда, қардош жумҳуриятларда, ўзга мамлакатларда кўчанинг номи икки тилда ёзиб қўйилганини кўрганим йўқ. Менимча, бу шарт ҳам эмас. Чунки бу ҳаммага тушунарли. Шундай экан, металл етишмаяпти, деб турган бир пайтимизда бу ишимиз ортиқча даҳмаза эмасми? Агар битта шаҳар кўчаларининг номини бир тилда ёзганимизда эллик тонна металл кетадиган бўлса, икки тилда ёзилганда юз тонна металл кетади. Бунинг устига қанча-дан-қанча меҳнат, иш ҳақи, вақти зое бўларди. Бу ҳақда ҳам жиддий ўйлаб кўрилса, ёмон бўлмас эди.

Менимча, жумҳуриятимизда номларини кўчаларимизга қўйишга арзийдиган кишилар жуда кўп. Умуман, у ёки бу кўчага қўядиган номимиз хоҳ бирон бир кишининг исми бўлсин, хоҳ тарихий, хоҳ замонавий атама бўлсин, уни мутахассислар, жамоатчилик билан маслаҳатлашишимиз керак. Зеро, маслаҳатли тўй тарқамас, деб бежиз айтилмаган.

Тошкент шаҳар Совети қошида атамалар кенгаши иш юритаётганини эшитиб, беҳад қувондим. Чунки уни биз билдирган таклифларни инобатга олиши ва кўчаларимизнинг номланишини тартибга солишига умид қилиб қоламан.

Нуриддин ОЧИЛОВ.

ИШДАН СЎНГ МАШҒУЛОТГА

Советободдаги «Тарандубитель» ишлаб чиқариш бирлашмасида меҳнат қилаётган турли миллат вакилларини ўзбек тилини мукаммал билишга бўлган интилиш бирлаштирди. Улар маҳаллий мактаб муаллими Т. Аҳмадохунов корхонада очган синфда шуғуллана бошладилар.

Раҳбарият машғулотлар ўтказиш учун барча шарт-шароитни яратиб берди. Бухгалтер Н. Клишина, бирлашма партия ташкилотининг котиби Е. Потелицина ва бошқалар дарсларга астойдил қатнашишмоқда. Шаҳардаги энг кекса корхонада 17 миллат вакили ишлайди. Уларнинг кўпчилиги ўзбек тилида яхши гапиради, лекин улар Ўзбекистон ССР Давлат тилида ҳам ёзиш, ҳам ўқишни яхшироқ эгаллаб олишмоқчи.

Андижон вилояти.

ҚЎШНИ УЧУН УЙ

Биринчи группа ногирони, Улуғ Ватан уруши қатнашчиси Дармонбой Хожановнинг оиласи янги олти хонали уйга кўчиб кириб, ҳовли тўйини ўтказди. Бунда унинг қўшнилари — Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган ўқитувчи, Нукус ноҳиясининг «СССР 60 йиллиги» давлат хўжалигидаги Куйбишев номли мактаб муаллими Оллониёз Отаниёзов ва унинг ўғли ёрдам беришди. Улар ўз қўллари билан қуйган хом ғиштдан уй деворини кўтардилар, хоналарни сувадилар. Бу иш учун қўшниларидан бир тийин ҳам олмадилар.

— Саховатлик ва меҳр-мурувват бугунги кунда энг ноёб маънавий фазилатлар бўлиб қолди. Ҳамма ҳам одамларга ана шундай беғараз ёрдам беравермайди, — дейди учала даражадаги Шуҳрат орденининг соҳиби Ж. Қаллимбетов. — А. Отаниёзов хўжаликда истиқомат қилаётган кўпгина бошқа ветеранлар қатори менга ҳам уйимни зудлик билан таъмирлашда ёрдам берди.

В. ТРОИЦКИЙ,
ЎзТАГ мухбири.

Диққат, тажриба!

ОҚСОҚОЛЛАР ЁШЛАР УЧУН

Оржоникидзе ноҳияси маданият уйида қозоқ маданият миллий маркази очилди. Бунда уруш ва меҳнат ветеранлари ноҳия кенгаши ташаббус кўрсатди.

— Миллатлараро муносабатлар, айниқса ёшлар ўртасидаги миллатлараро муносабатлар бизни, оқсоқолларни, жуда ташвишлантирмоқда, — дейди Кенгаш раиси Жўра ака Хоназаров. — Дўстликни, бизда доимо мавжуд бўлиб келган яхши қўшничилик анъаналарини мустаҳкамлаш учун қўлдан келган барча ишларни қилишга ҳаракат қиляпмиз. Бу ерда бўлиб ўтган дастлабки кечага асосан ёшларни — ноҳияда истиқомат қилувчи барча йигирма икки миллат вакилларини таклиф қилдик. Байналмилал дўстликни мустаҳкамлаш, одамларни янада жипслаштириш учун нима қилиш ҳақида гап борди. Шундан кейин ёшлар ҳаваскорлик ансамбллари турли халқлар қўшиқлари ва рақсларидан тузилган катта концерт программасини кўрсатдилар.

Уруш ва меҳнат ветеранлари ноҳия кенгаши бундай ишнинг бошқа шаклларидан ҳам фойдаланмоқда. Ёшларни байналмилал ва ватанпарварлик руҳида тарбиялаш билан шуғулланувчи махсус комиссия тузилган. Комиссияга Т. Умаров билан Д. Т. Загорняков раҳбарлик қилишмоқда. Уларнинг бири қозоқ, иккинчиси рус. Уларга қишлоқларнинг оқсоқоллари — ноҳияда истиқомат қилаётган барча миллатларнинг вакиллари фаол кўмаклашмоқдалар. Ветеранлар ташкилоти раиси тарбияда энг яхши далил — аниқ иш ва шахсий намуна эканлигига ишонади, шунинг учун ҳам барча ишларга мумкин қадар кўпроқ одамларни, аввало ёшларни жалб этишга уриняпти.

Ветеранлар фирқа ва шўро идоралари билан биргаликда ноҳия ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал этишга интилмоқдалар, миллатлараро муносабатлар кескинлашувининг асосий тугунини худди шу ерда деб билмоқдалар. Улар қолоқ хўжаликларни, қишлоқларни айланиб чиқдилар, одамлар билан суҳбатлашдилар. Суҳбатлар чоғида одамларни ташвишга солаётган кўпгина муаммолар аён бўлди. Булар — қишлоқ жойларда йўллар қурилиши ва газлаштириш, сув қувури ўтказиш ва янги мактаблар очиш муаммоларидир. Ветеранлар ноҳия раҳбариятига мурожаат қилиб, қурилиш муддатлари мумкин қадар яқинлаштирилишини сўрадилар. Сув ва газ қувурларини режалаштирилганидек 1995 йилда эмас, шу йил охиригача ўтказишга, йўлларни келаси йил бошларида қуриб битказишга қарор қилинди.

Ветеранлар кенгаши бошқа ғоят муҳим муаммо — иш билан таъминлаш муаммосини ҳал этишга ҳам бош қўшди. Ҳозирча янги корхоналар, демак, янги иш жойлари ҳам бунёд этилиши кутилмаётганлиги туфайли оила пудратини ривожлантириш йўлидан бордилар. Ҳозир пилла ва гўшт тайёрлаш ноҳия планининг деярли ярми оилавий пудрат зиммасида. «Қибрай» давлат хўжалигидаги пенсионер Комил Қўчқоровнинг далачилик оилавий бригадаси шу хўжалик дағал хашак тайёрлаш планининг қарийб 70 фоизини бажармоқда. Бундай мисоллар кам эмас.

Кейинги пайтларда армия хизмати теварагида анчагина шов-шувлар бўлди.

— Кўпчилиги фашизмга қарши жангларда иштирок этган ветеранлар ҳар бир йигит армия мактабини ўташи лозим, деган якдил фикрда, — дейди Ж. Хоназаров. — У кўп нарсани — ўзаро ёрдамни, ўртоқчиликни ўргатади, касб эгаси бўлишга, шахс сифатида шаклланишга ёрдам беради. Армияни ва унинг ўтмишини қоралаётганлар фикрига қўшилмайман. Бундай «нотиқ»ларнинг кўплари порохни ҳидлаб кўришмаган, бошқаларнинг сўзларини такрорлашмоқда.

Бу жойларда кўп йиллардан буён яшаб келаётган Иван Анатольевич Михальский ноҳия ҳарбий комиссари Р. Тошхўжаев билан биргаликда хизматга чақирилувчилар билан қизиқарли учрашувлар ўтказмоқда. У учрашувларни ўзбек тилида олиб боряпти. Ёш юртдошлари эса унга мамлакатнинг барча бурчакларидан — Узоқ Шарқдан ва Молдавиядан, Болтиқбўйи ва Москвадан ғоят самимий мактублар йўллашмоқда...

Армиядаги хизматни ўтаб қайтганлар ҳам эътибордан четда қолмаяпти. Ветеранлар ноҳия кенгаши ҳузурида хизматдан бўшаган аскарлар билан ишлаш секцияси бор. «Афғончи»ларга алоҳида эътибор бериляпти. Кенгаш уларга қарз олишда, бошқа «кундалик» масалаларни ҳал этишда ёрдам берди.

Собиқ «афғончи»лар ветеранлар кенгашининг барча ташаббусларида энг яқин ёрдамчи бўлиб қолишди. Улар байналмилал жипслашиш, турли миллатчилик кўринишларига қарши курашда ҳам катта мавқега эгадирлар.

Н. ПОЛЯНСКАЯ,

Мусоҳаба

«Аргументи и факти»дан кўпинча «ҳукумат эркаклари»нинг таржимаи ҳолларини сўзлаб беришимизни илтимос қилишади. Улар қандай яшашади! Бизнинг ташвишларимизни ҳис қилишадими! Рафиқалари ким! Уларнинг турмуш ўртоқларига таъсирлари, демакки, мамлакат ишларига таъсирлари қандай!

Бевосита берилган саволлар ҳаққоний жавоб кутади. Шундай экан, «АиФ» ўқувчиларининг илтимосларига кўра, рўзнома мухбири Н. ЖЕЛНОРОВА давлат ҳовлиларидан бирида меҳмон бўлди. Катта лавозимдаги раҳбарлар хонадонига «ичкаридан» туриб кўз югуртирди.

ИЛЬИНСКДАГИ ДАЛА ҲОВЛИДА

«АиФ» нинг услубига мос келмаса ҳам, дала ҳовлини батафсил ҳикоя қилмоқчимиз. Бу — паркетлар ғижирлаб ётган айланма ёғоч зинали эски услубдаги тоқ-равоқ. Унинг биринчи қаватида деярли олти метрли дам олиш хонаси ярим айлана шаклидаги меҳмонхона, ошхона, қизининг оиласи учун ажратилган хона.

Иккинчи қаватда махсус хона, ётоқхона, қироатхона ва яна уй эгасининг отаси ва набиралари учун ажратилган икки хона. Ҳар бири 10-12 квадрат метрдан иборат хоналарнинг жиҳозлари оддий, стол, диван, кийим шкафлари, кабинет ва 20 квадрат метрли ётоқхона. Бу ердаги гарнитур оғиз очилиб қоладиган даражада ҳам эмас. Қимматбаҳо суратлар, қадимий безакли буюмлар ҳам йўқ.

Баъзи бир шкафларда тартиб сони ва «Жуковка дала ҳовлисининг хўжалиги» деган металл тамғани кўриб ҳайрон қолдим. Демак, анжомлар бу ерда яшовчиларнинг шахсий мулки эмас. Айтишларича, кундалик турмуш учун керак бўлган ҳамма нарса етарли. Оддийгина олим, ёзувчининг ҳам шундай дала ҳовлиси бўлиши мумкин. Яшириб ўтирмайман, катта лавозимдагиларга қарашли, бу ҳовлига нисбатан анча-мунча ҳашамдор, бойроқ дала ҳовлиларида ҳам бўлганман.

Шундай қилиб, Бош Вазирининг Ильинскдаги дала ҳовлисида Людмила Сергеевна Рижкова билан суҳбатлашиб ўтирибмиз.

— Айтингчи, бу уй сизнинг оилангизникими?

— Бу — ўртоқ Рижковнинг эмас, балки СССР Вазирлар Кенгаши Раисининг дала ҳовлисидир. Мамлакат раҳбарлари, вазирлар, фирқа котибларининг шахсий дала ҳовли қуришларини ман этувчи низом бор. Суистеъмол бўлмасин дейишгандир-да! Бундай қарасанг, бу иш ўйлаб қилинганга ўхшайди. Бошқа томондан қараганда инсон мустақиллиги йўқолади дейиш мумкин. Чунки бунда ҳамма нарса давлатники бўлган ҳовлида яшалади.

— Кўпчилик юқори лавозимдагиларнинг шахсий дачаси, автомашинаси бўлмаса ҳам улар учун ҳамма нарса муҳайё дейишади. Бу шахсий нарсалар деб ташвиш қилиш ва пул сарфлашга нисбатан афзал-ку...

— Мен ўзимизнинг бир тутам еримиз бўлишини орзу қиламан. У ерда кичкина бўлса ҳам ўз боғимни ўстирардим. Мен азалдан заминга меҳр қўйганман. Баҳорда кўкатлар, гуллар экардим. Уларни кузда ўзим йиғиштириб олишимни билсам. Бировнинг-бировнинг... Бугун гўё сеники, эртага эса бошқаники.

Қизимиз ҳам (унинг икки фарзанди бор) бир парчагина ўз еримиз бўлишини орзу қилади. Москвадан 100 километрча узоқ бўлса ҳам майли. Лекин бунга Николай Иванович кўнмаяпти. Чунки ҳатто омонатгина чайла қурсак ҳам маломат тошлари отилишини билади-да. Барибир одамлар Рижковнинг сирли сарҳашам дала ҳовли қуряпти, дейишади.

Бу бор ҳукумат бошлиғининг дам олиш учун Олий Кенгаш қарорига кўра ажратилган. Агар у эрталаб соат 8 да ишга кетиб, кеч соат 10 ларда келса-чи? Ўзи билан доим қандайдир иш олиб келса, дам олиш ҳақида қандақа гап бўлиши мумкин?

Уралда яшаган давримизда шахсий машинамиз бўларди. Уни ўзим ҳайдардим. Ҳозир, албатта, шахсий машинамиз йўқ. Яна ўша «Мумкин эмас!» тўғаноқ бўлади. Бирор жойга бориш зарурати туғилса, машина чақириш керак. Биттаяримтанинг эҳтимол бунга ҳаваси келар. Лекин менга ишонаверинг: қарамликдан мушкулроқ нарса йўқ дунёда.

— Яқинда рўзномалардан бирида, Николай Иванович Москванинг марказида, Савельев тор кўчасида ўзига бутун бошли қўш квартирали уй қурдирди, деб ёзишди. Демак, уй тўйини ўтказаркансиз-да!

— Рости, бу ҳақда гапирмоқчи эмасдим, лекин ҳозирги вазиятда жим ҳам туролмайман. Менинг турмуш ўртоғим қаерда ишламасин, ҳеч қачон ўзининг шахсий манфаатини — кабинет, машина, уйлар ва бошқаларни ўйламаган. Буни у билан бирга ҳатто оз муддат ишлаганлар ҳам айтишлари мумкин. Биласизми яна нимадан кўнгил ранжиди? Марказий Қўмита, Вазирлар Кенгашида ишлаётган етти йиллик даврда ундан ҳеч ким, ҳеч қачон «Аҳволларингиз қалай? деб сўрамаган. Шундай бўлгач, қиёматдай яшайди, деб ўйлашса керак-да. Яқин-яқингача уч хонали уйда яшардик.

Ун икки квартирали уйдан тўрт хоналигини таклиф қилишганди, рози бўлдик. Биз учун бу, кўплик қилмасмикин? Лекин Вазирлар Кенгаши Раиси уйда ҳам ўз ишхонасига эга бўлиши керак шекилли. Бундан ташқари Николай Ивановичнинг отаси биз билан яшайди.

Шу боис кейинги вақтда қаттиқ танқидга учрадик. Майли, бу муаллифларнинг виждонларига ҳавола.

— Оила даромади нималардан иборат?

— Николай Ивановичнинг маоши 1200 сўм. У бундан даромад солиғи, фирқа бадали, касаба иттифоқи бадалини тўлайди. Хуллас, ҳаммаси бўлиб 200 сўм тўлайди. Қолгани оила даромадини ташкил этади. Бундан бошқа у бир сўм ҳам олмайди. Шунинг учун қанча харажат қилишим мумкинлигини яхши биламан. Шу пулдан фақат у туғилган кун, тўйимизнинг йиллиги, 8 Март совғалари учун керагини оламан.

Агар Николай Иванович интервью берса ёки бирор мақоласи эълон қилинса қалам ҳақини ҳар хил жамғармаларга ўтказади. Яқинда бир нуроний ўзининг 22 минг сўмини унга васият қилиб қолдирибди. «У жуда зўр ишлайди», дебди у. Буни ҳам Николай Иванович болалар жамғармасига, қолган ярмини меҳр-шафқат жамғармасига ўтказди.

Олдин аҳволимиз танг эди. Кўп қийинчиликларни бошимиздан кечирганмиз. Ҳозир бошқа гап. Уч йил муқаддам 117 сўмдан нафақа ола бошладим. Ўшандан бери ҳар ойда 50 сўмдан Болалар жамғармасига ўтказаман.

— Нималарга пул тўлашга тўғри келади?

— Биз ҳукумат дала ҳовлисидан бошқа ҳамма нарсага пул тўлаймиз. Ўзимизни ош-овқатдан қисмаймиз. Унга Николай Иванович икковимиздан ойига 250—300 кетади. Унинг тушки овқати ҳақини йиғиб-йиғиб ойда бир марта тўлаймиз. «Уралмаш»да ҳам шундай қилардик.

Биласизки, ҳозир махсус тақсимотчилар йўқ, сут, пишлоқни дала ҳовлига қўшни бўлган хўжаликдан оламиз. Товуқлар ўзимизники, уларга емиш сотиб олиш керак. Қолган ҳамма маҳсулотларни дўкондан харид қиламиз. Қизим ва куёвим ишларидан буюртма олишади, дўконларга боришади.

Ойига 80—90 сўмлик китоб харид қиламиз. Тўйимиз бўлганда менинг сепим бир жамадон китоб, муз устида учиш учун оёқ кийими ва унча-мунча нарсалар бўлган. Унда эса, икки жамадон китоб бор эди.

Биз биринчи навбатда ҳар хил лаш-лушлар эмас, китоб сотиб олардик. Ҳозир яхшигина кутубхонамиз бор. Ҳамма китобларни ўқиб улгурмасак-да, болаларимиз, набираларимиз ўқишар.

— Сиз кимга ёрдам берасиз!

— Бир йилда уч-тўрт марта Свердлов болалар уйига совғалар жўнатаман. Ширинликлар, печенье, китоблар сотиб оламан. Онам анча қариб қолган. Уралда синглим билан яшайди. Уларга ҳам унча-мунча ёрдам бериб тураман. Биз онамиздан чексиз миннатдормиз. Отамиз мен биринчи курсда ўқиётганимда вафот этган. Кичик укам уч ёшда эди ўшанда. Тўрт фарзандни онамизнинг ёлғиз ўзи боқди. Айтдим-ку, анча юпун яшаганмиз, деб.

— Чет элдаги жамғармада пул ҳисобингиз борми?

— Нималар деяпсиз ўзи? Йўқ, бўлмаган ва бўлмайди ҳам. Қўйиш учун аввало кўпгина нималардир бўлиши керак-ку. Қолаверса, оиламизнинг маънавий руҳи буни ҳатто хаёлимизга ҳам келтирмайди.

— Кийим-кечакни қаерда тиктирасиз?

— Мен ўзим тиктирилган кийимларни ёқтираман, қаддибастимга қараб, кўнглига ёққанини кийсанг. Уралда яшаганимизда кийим ательесида тиктирардик. Ҳозир Вазирлар Кенгашининг устахонасида оғиримизни енгил қилади. Ательье давлат елкасида эмас, ўз-ўзини қоплаб, ҳатто фойда ҳам келтиради.

— У ерда қимматга тикишадими?

— Николай Ивановичнинг костюмини тикиш 200 сўмга тушади, меники эса 150—180 сўмга.

— Қаерда, қандай даволанасизлар ва дам оласизлар?

— Эрим Бош Вазир бўлганидан бери уни ва оиламизга врач бириктириб қўйишган. Николай Иванович ундан нуқул ўзини олиб қочади. Менга ўртадаги «келишмовчиликни» майинлик билан юмшатишга тўғри келади. Ҳукумат бошлиғига бериладиган имкониятлардан қатъий назар, унинг дам олишини шунчаки дейишим мумкин. Чунки Николай Иванович дам олиш ойида ҳам жон-жаҳди билан ишлайверади.

— Бирор киши хизматингизни қиладими?

— Бинони тозалаш учун уй ходимаси ва ошпаз ажратилган. Улар фақат бу ерга — дала ҳовлисигагина келишади. Шаҳар уйимизда ҳамма юмушларни ўзимиз бажарамиз, овқатни ўзимиз тайёрлаймиз.

— Дўстларингиз борми?

— Энг садоқатлилари — ёшликда орттирган ураллик дўстларимиз. Қизимиз икки оила истиқомат қиладиган квартирада туғилган. Ўша пайтдаги ён қўшнимиз ҳам ҳануз борди-келди қилишади.

— Оилангиздагилар қандай овқатларни кўпроқ хуш кўради!

— Чучварани. Бирор байрамимиз усиз ўтмайди. Яна балиқли димлама, балиқ шўрва, украин карам шўрвасини ёқтирамиз.

— Ўзингизни мамлакатнинг иккинчи маликаси, деб ҳисоблайсизми!

— Мен ўзимни Вазирлар Кенгаши Раисининг жуфти ҳалоли, деб биламан. Ва доим унга нима биландир ёрдам беришни, ташвишларини енгиллатишни ўйлайман.

— Нима учун ҳар доим ҳам эрингиз билан мамлакат бўйлаб сафарга чиқавермайсиз!

— Мен Николай Ивановичнинг ёнида доим бўлгим келади. Айниқса охирги марта Воркутага борганида — ҳалиям ўша ердаги аҳволдан фикран қутулиб ололмаяпти. Унинг ишлаш жараёнини билганим учун ҳам ҳалақит беришдан чўчийман.

Кўпинча «Уралмаш»ни эслайман. Николай Иванович ўшанда ҳам соат ўндан вақтли келмасди. Ўзимча унга ўжарлигимни кўрсатмоқчи бўлдим: уйга саккиздан кеч қолмаслигини шарт қилиб қўйдим. У норозилигимни қабул қилди. Лекин шуни сеза бошладимки, кун сайин уйга келадиган қоғозлар кўпаяверди. Кечки овқатдан сўнг емиш столи устида янги иш туни бошланарди.

Шундагина ишига аралашмасам, халақит бермасам кўпроқ ёрдам беришим мумкинлигини тушундим. Ҳаёт яна ўз оқимига тушиб кетди.

Николай Иванович баъзан бирга боришга таклиф этади. Масалан, она юртимиз Уралга.

— Чет элда бўлган вақтингизда бизнинг қашшоқлигимизга ачиниб кетмайсизми!

— Бундай ҳоллар бўлиб туради. Ҳар бир ижтимоий тузумни ўзимиз яратамиз. Давлатимизни барпо қилган ҳам, тарихимизни яратган ҳам ўзимиз, жавоб берадиган ҳам ўзимиз.

— Чет эллик меҳмонларни қаерда қабул қиласиз! Бу дала ҳовли кутиб олишга унча мос эмас-ку.

— Москвада ҳукуматнинг меҳмон кутиб олишга мўлжалланган махсус даргоҳи йўқ. Агар Бош Вазирнинг мунозара олиб бориши лозим бўлса, Вазирлар Кенгаши Ташқи ишлар Вазирлигига мурожаат этади. Бу учрашувни А. Толстой кўчасидаги Морозовларнинг собиқ уйида ўтказилишини сўрайди.

— Халқнинг турмуш даражасига таъсир этувчи шахснинг рафиқаси сифатида ҳар бир оилада бўладиган ташвишлардан сиз ҳам воқифмисиз!

— Николай Иванович ҳам, мен ҳам ишчи оиласида туғилганмиз. Болалигимиз урушнинг оғир йилларига тўғри келган. У ётоқхонада тўққиз йил, мен эса беш йил яшаганман.

Мен етишмовчиликлар ҳақида, ишдан кейин у-бу нарса учун навбатда туришлар ҳақида гапирадиган аёлларни тушунаман. Шунинг учун ҳам тушунаманки, 22 йил худди шундай ишлаганман. Яшаганман. Соат 8 дан (агар кечиксанг, кечикканлар рўйхатига тушасан) 17 гача тик оёқда биринчи даражали муҳандис-ихтирочи сифатида чизмакашлик тахтаси олдида турардим. Ўзи юрар экскаваторнинг лойиҳасини чизардим. Кейин болалар боғчасига, дўконга тезроқ навбатда туриш учун югурардим. Уй тозалаш, кир ювиш, хуллас ҳаммасини бажаришим керак бўларди.

— Эрингиз сизнинг маслаҳатингизга муҳтожми!

— Мен катта масалалар бўйича сираям маслаҳат бермайман, оила юмушлари бўйича бемалол, у албатта, қулоқ солади.

— Сиёсий масалалар борасида эҳтиёткор ёки аксинча, жасоратлироқ бўлиши лозимлигини маслаҳат бермайсизми!

— Бундай ҳолларда у менинг маслаҳатимга муҳтож бўлмайди. Керак жойида у қатъий, керак жойида эҳтиёткордир.

— Унинг камчиликлари ҳақида нима дея оласиз!

— Камчилиги, менимча, яхши фазилатлилигида, у оғирвазмин, мард, қатъий, айни вақтда зиёли кишидир. Съезддан қайтганида, унга «илтифот кўрсатилган» кундаги кўриниши жуда ёмон эди. Лекин шунга қарамай, бу оқшом ҳам одатини тарк этмади, менга кулиб боқди. Мана буни нимага йўйиш мумкин — камчилигигами, фазилатигами? «Уралмаш»да ишлаётганда Николай Иванович техникага оид китоб ёзган эди. Бу ерда, Москвада янгисини ёза бошлади. Теришга туширай деган пайтда, уни Марказий Қўмита котиби қилиб сайладилар. Шу билан ёзиш тамом бўлди-қўйди. Ўшандан бери бу иш ғаладонда ётибди, ваҳоланки уни кўпчилик кутаётган эди.

Николай Ивановичнинг камчилиги ҳақида гапиришим жуда қийин. Ҳаммада бўлгани каби у ҳам инсоний қусурлардан ҳоли эмас: баъзи сурбет одамлар олдида ўзини йўқотиб қўяди. Буни қарангки, шу хусусият менда ҳам бор.

— Сиз нима деб ўйлайсиз, Николай Иванович ҳукуматни бошқара олиши мумкин бўлган якка-ю ягона шахсми!

— Мен уни бугунги кунда ўз ўрнида деб ҳисобловчи кишилар билан фикрдошман. Лекин вақт ўтаяпти... Унинг яхши хислати бор: у доим қобилиятли раҳбарлар ҳақида ўйлайди. Қаранг-а, ҳукуматга қандай кишиларни олиб кирди — фан докторлари, академиклар...

— Вақти келиб Николай Ивановичнинг истеъфога чиқишига қандай қарайсиз!

— Фожиа юз бермайди. У шарт-шароитни тушунадиган одам. Эртами-кечми шу кун келишини билади. Умуман биз «истеъфо», «собиқ» дейишга оддий сўзларга ўргангандек ўрганишимиз керак. Давлат лавозимларига ёки бошқа лавозимларга кишиларнинг умрлари охиригача сайлаш ва тайинлаш мумкин эмас. Яқин ўтмишимиздан хулоса чиқаришимиз керак. «Ҳар ким ўз ишига қараб баҳоланади».

— Эрингиз билан кўпроқ нима ҳақда гаплашасиз!

— Ҳаммани ташвишлантираётган мураккаб масалалар ҳақида. Ишдан жуда чарчаб келганда кўнгилга тегмасликка уринаман. Ҳаммамиз жума кунини кутамиз. Қизим, куёвим, набираларим келишади — ҳовлимиз жонланиб кетади. Уйимизда кучук, мушугимиз ҳам бор. Улар борлиқни жонлантириб туради. У ёки бу нарсалардан олган таассуротларимизни ўртоқлашишга, бир-биримизга янгиликларни айтишга шошиламиз. Уйимиз ғала-ғовур, аммо унда аҳиллик ҳукмрон бўлади.

— Ҳукумат бошлиғи расмий хатлардан ташқари, оддий, инсоний муносабатларни билдирувчи мактублар ҳам оладими!

— Жуда кўп. Одамлар ҳаётимиздаги барча мураккаб томонларни тушунадилар, яхши маслаҳат берадилар. Улар орасида Николай Ивановичнинг онаси вафоти туфайли билдирилган таъзиялар бор.

Рўзномаларда Николай Ивановичнинг олтмиш ёшга тўлиши ҳақидаги ахборот эълон қилинмаган. Лекин шуниси қувонтирдики, юбилей муносабати билан жуда кўп қутловлар олдик. Мен Николай Ивановични фикран қувватлаган ўртоқларга миннатдорчилик билдираман. Уларга сиҳат-саломатлик тилайман.

«Аргументи и факти» рўзномасининг 1990 йил 15-сонидан Яйра САЪДУЛЛАЕВА таржима қилган.

Хорижддан хабарлар

Чет эл ёшлари ҳаётидан

ГАВАНА. Чернобиль атом электр станциясидаги авария натижасида жабрланган Совет болаларининг навбатдаги гуруҳи дам олиш ва даволаниш учун Кубага келди. Гавана аэропортида уларни Куба Компартияси Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси Хорхе Рискет ва жумҳурият Соғлиқни сақлаш министри Хулио Техас кутиб олди.

Бу гуруҳда оролга белоруссиялик ва украиналик 127 бола келди. Улар ҳозир мингдан зиёд совет болалари ўз саломатликларини тиклаётган Хосе Марти номидаги пионерлар шаҳарчасида дам оладилар ва даволанадилар.

ВАРШАВА. Польшанинг денгиз соҳилидаги Колобжег шаҳрида аскар қўшиқлари 24-фестивали «Колобжег-90» якунловчи гала-концерти билан туғалланди.

Ёш ижрочилар ва жангчиларга аталган янги қўшиқлар муаллифларининг мамлакатда машҳур бўлган бу ижодий беллашувида Маданият ва санъат вазири Изабелла Цивиньская ҳамда Миллий мудофаа министри — Вице-адмирал Петр Колодзейчик ҳозир бўлдилар.

Янги қўшиқлар ижроси бўлими биринчи мукофоти — «Олтин узук»ни ҳамда Миллий мудофаа министрининг мукофотини ҳакамлар «Комендант ҳақида қўшиқ» мусиқасининг муаллифи Эдвард Палашга берди.

Ёш ижрочилар ўртасида Варшава ҳарбий округининг «Гумбаз» ҳаваскорлик эстрада дастаси биринчи ўринни олди. Бу ансамблга биринчи мукофот — «Олтин узук» ва Маданият ва санъат министрининг мукофоти топширилди. «Кумуш узук»лар ёш хонандалар Катажина Кубяк ва Богдан Чижга топширилди. Фестивалнинг муваффақиятли ўтишига катта ижодий ҳисса қўшганлиги учун ҳакамлар Зигмунт Кукла бошчилигидаги Польша жаз жамиятининг Биг-Бэндини «Олтин узук» махсус мукофоти ва Поморск ҳарбий Округи қўмондонининг мукофоти билан тақдирлади. Шу фестивални ёритиб борган мухбирлар ҳам ўз мукофотлари — «Журналистлар ўрдаги»ни шу жамоага бердилар.

АДДИС-АБЕБА. Университетда олинган билимлар Эфиопия олдида турган мураккаб ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий муаммоларни ҳал этиш йўлида қўлланилгандагина наф келтиради. Жумҳурият вице-президенти Фиссеха Деста пойтахт университети битирувчилари ҳузурида сўзга чиқиб, шундай деб уқтирди. Шу куни 2808 нафар студент олий ўқув юртини тамомлаганлиги ҳақида диплом олди.

Кейинги йилларда Эфиопиянинг қолоқлигини тугатишда муваффақиятларга эришилганига қарамай, бу соҳадаги ривожланиш давлат яхлитлигига путур етказишга уринаётган душманлар вужудга келтираётган қийинчиликлар туфайли ҳануз кўнгилдагидек эмас, деб таъкидлади вице-президент. Мамлакатдаги ҳозирги ташвишли вазият оппозицион гуруҳлар фаолияти натижасидир. Улар Эфиопиянинг ривожланишига тўсқинлик қилибгина қолмай, шу билан бирга унинг яхлитлигига жиддий хавф солишмоқда. Ажрамачи тузилмалар айни вақтда руҳий урушни бошлаб юбордилар. Вужудга келган вазият жумҳурият олдида турган муаммоларни бартараф этиш учун барча фуқароларнинг куч-ғайратларини талаб қилмоқда. Шунинг учун ҳам Эфиопия ёш мутахассислардан жамиятни ривожлантиришга, тинчликка ва тараққиётга катта ҳисса қўшишларини кутмоқда, деб таъкидлади Фиссеха Деста.

ҚОҲИРА. Мисрлик қарийб икки миллион бола 10 ёшга етмасдан катталар билан баравар ишлашга мажбур бўлмоқда. Қоҳирада чиқадиган «Ал Вафд» рўзномасининг ёзишича, уларни ишга яширинча ёллашади. Чунки қонунга кўра, 12 ёшга етмаган болалар меҳнатидан фойдаланиш бутунлай мумкин эмас, бир қанча касблар учун эса камида 15-17 ёшда бўлиш керак.

Болаларни мактабни ташлаб, ишга киришга қашшоқлик мажбур қилмоқда. Рўзномада бола устахонада кунига 15 соат ишлаб, бунинг учун ҳафтасига уч миср фунти олаётганлиги тўғрисида мисоллар келтирилган.

(ТАСС).

ТАЙЁРА ЎҒРИСИ ҚАЙТАРИЛДИ

СТОКГОЛЬМ. (ТАСС мухбирлари Дмитрий Горохов ва Тарас Ларионин). 9 июнь куни аэрофлот тайёрасини ўғирлаб, Швецияга қочган 17 ёшли Дмитрий Семенов бугун Совет ҳокимияти вакилларига топширилди. Швеция ҳукумати уни мамлакатдан чиқариб юбориш тўғрисида қарор қабул қилган эди.

Куннинг биринчи ярмида Швеция полициясининг инспекторлари ўғрини Круноберг тергов изоляторидан Стокгольмнинг Арланд аэропортига олиб келишди. Бу ерда у томонларнинг шартлашувига биноан атайлаб Стокгольмга келган Совет милицияси ходимларига топширилди.

Топшириш жараёнида бирор-бир фожиа аломати бўлмади. Швеция тартиб посбонлари ва уларнинг Совет ҳамкасблари тартибга оид масалаларни тезгина келишиб олганларидан кейин Семенов аэрофлотнинг Стокгольм билан Москва ўртасида қатновчи тайёрасига ўтказилди ва пойтахтга олиб келинди.

Бу Швеция томони ўнлаб йиллар мобайнида Совет Иттифоқининг ҳуқуқбузарни қайтариш тўғрисидаги илтимосини қондирган дастлабки ҳолат бўлди. Бунда, деб таъкидлайди маҳаллий матбуот, Швеция осмондаги ҳар қандай қароқчилик ҳаракатларини қатъий қоралашигина ҳал этувчи омил бўлгани йўқ. Қайта қуриш йилларида СССРда ҳуқуқий вазиятнинг умумий яхшиланганлиги ҳам масаланинг ҳал этилишига ўз таъсирини кўрсатди.



Чехословакияда ишлаб чиқилган заргарлик зеб-зийнатларини ва тақинчоқларни жаҳоннинг кўпгина мамлакатлари хотин-қизлари ёқтиришади ва тақиб юришади. Яқинда Прагада таниқли «Яблонекс» бирлашмасида тайёрланган буюмлар намойиш этилди.

Сиз суратда кўриб турган чехословакиялик қизнинг бошидаги ушбу зийнат бўлиб ўтган кўргазмада юқори баҳоланди. Бундай тақинчоқни ёз ойларида улама соч ўрнида ишлатиш мумкин.

ЧТК—СИТА сурати.

Акс-садо

«Мени кечиринг»

(«ЁШ ЛЕНИНЧИ», 1990 ЙИЛ 26 МАЙ).

Шаҳзода! Сиз мендан эҳтимол каттадирсиз, балки тенгдошдирмиз. Буни билмайман. Мен ҳозир 16 ёшдаман. Муҳаббат ҳақида кўп ўйлайман. Шуни биламанки, ҳали ҳеч бир инсон дунёдан бехато яшаб ўтган эмас. Хатингизни ўқиб даҳшатга тушган бўлсам-да, сизни айблолмадим, ачинмадим ҳам. Аксинча, сизнинг журъатингиз мени лол қолдирди. Агар сиз ўз фарзандингизни онангизнинг сўзига кириб, бағрингиздан итариб ташлаганингизда қилган бебошлигингиз жиноятта айланар эди. Гуноҳингизга гуноҳ қўшилларди. Сизда оналик меҳри бор экан — у бутун умр шундайлигича сақланиб қолсин! Ҳали қизингиз катта бўлиб, сизнинг фарзандингиз бўлганидан фахрланади. Турмуш ўртоғингиз ҳам вафоли ёри борлигидан суюнади.

Мен чақалоғингизнинг отаси тезроқ ёнингизга қайтиб, сизни ва қизингизни ўз паноҳига олади, деб умид қиламан.

Барно РАҲИМОВА,
Тошкент шаҳри.



Ўзбекистон халқ мусаввири, СССР Давлат мукофоти лауреати Мели Мусаев ижодий меросининг катта қисмини рассомнинг умр йўлдоши Людмила Викторовна Мусаева Шўро маданият жамғармасининг Сурхондарё бўлимига топширди. Бу тўпламни ўнлаб саҳна асарлари учун яратилган саҳна безаги ва кийимлар чизмалари, сувбўёқ ва қаламда ишланган нафис манзаралар, турли ҳужжатлар ва фотосуратлар ташкил қилади.

СУРАТДА: Людмила Викторовна ва Шўро маданият жамғармасининг Сурхондарё бўлими раиси Турсунали Қўзибоев мусаввир асарларини кўздан кечиришмоқда.

Р. ШАГАЕВ (ЎзТАГ) сурати.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

КЛУБЛАР, КЛУБЛАР...

● КЕЙИНГИ ПАЙТЛАРДА ГФЖда клублар худди ёмғирдан кейинги қўзиқориндай кўпайиб кетди. Уларнинг сони ҳозир икки мингдан ошиб қолди. Улар орасида — новчалар ва узун оёқлилар клуби, бурни узунлар, сариқлар, хризантема гули мухлислари, НОУ билан боғлиқ, ҳаттоки Лох-Неес кўлидаги сирли мавжудот муаммолари билан шуғулланувчилар клуби ҳам бор. Лекин буларнинг ичида энг ажойиби, деб ёзади Чехословакиянинг «Недельна правда» рўзномаси, барча клубларга қарши клубдир.

АФСОНАВИЙ ҚАРҒАЛАР

● ЎРТА АСРЛАРДАЁҚ ИНГЛИЗЛАР ўртасида: Тауэрда ҳозирча қарғалар яшар экан, инглизлар бемалол ухлайверишлари мумкин, деган афсона кенг тарқалган эди. Бу афсонага ҳозир ҳам британияликлар эски анъаналардан бири сифатида қараб келадилар.

Олтита қора қарға ҳозир ҳам Лондондаги қўрғонларда яшайди ва Британияни ёмон кўзлардан асрайди. Уларнинг учиб кетмасликлари учун ҳар уч ойда ушлаб қанотлари қирқиб қўйилади. Бундан ташқари уларни боқиш, қўриқлаш учун алоҳида қоровул ажратилган, деб хабар беради «Свет в образех» (Чехословакия) жаридаси.

КУЛГИ МАРАФОНИ

● БУНДАН ОЛТИ ЙИЛ муқаддам перулик Фелипе Карбонель «Ҳазил марафони» конкурсида ўз кучини синаб кўрган ва қирқ соат давомида тўхтовсиз ичакузди латифалардан айтиб ғолиб чиққан эди.

Шундан кейин у беш йилгача бундай конкурсларда иштирок этмади. Ўзининг айтишига қараганда, иш билан банд бўлган. Ниҳоят Карбонель яна мусобақалашди ва 72 соат тўхтовсиз латифалардан айтиб ғолиб бўлди ҳамда «Гиннеснинг рекордлар китоби»дан ўрин олди, деб ёзади «Дзенник людови» (Польша) рўзномаси.

ЛИМОН — УЙҚУГА ҚАРШИ

● ЯПОНИЯЛИК ПСИХОЛОГЛАР хизмат хоналаридаги ҳавони турли хил гуллар ва меваларнинг иси билан тўйинтириб ташлашни тавсия қилмоқдалар. Тажриба шуни кўрсатганки, лимон, ясмин ва эвкалипт ҳидлари иш унумдорлигини ошириб, уйқуни қочирар экан.

Ясмин ҳиди, айниқса компьютерларда ишловчи операторларга фойда берар экан. Унинг иси тарқалган хонада ишлаётган оператор клавишларни босишда 30 фоизгача, лимон ҳидида эса 50 фоизга кам хато қилар экан. «Ҳидли профилактика» кўплаб компаниялар томонидан ҳозирданоқ фойдаланилмоқда, деб хабар берган Булғориянинг «Орбита» ҳафталикномаси.

РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

ОШКОРАЛИККА ЎРГАНАЙЛИК

Юрагим чанги ғубор
Ҳеч ким айтмайди, увол.
Билганлар дер: «Дарди бор»,
Билмаганлар: «Дарбадар...»
(Энам айтган қўшиқлардан)

Кекса момодан ўтмиш хотиралари ҳақида сўзлаб беришларини илтимос қиламан.

Энам ўйланади.

Узоқ сукут қилади.

Энтикади.

Сўзламоққа интилади.

Йўқ, сўзлолмайди.

Кўзлари намланади.

—Қўй, болам. У кунларни эслатма менга, — дейди хомуш тортиб.

Тушунаман.

Тўқсондан ошиб қолган момом учун қора кунларни хотирлаш минг бир азоб бўлса керак. Шундай бўлса-да, индамай рўпарасида ўтираверман... Нимадир эшитишим керак. Нимадир ёзишим шарт.

— Бизга оғир бўлган ўша пайтлар. Ичимиздаги дардимизни бировга айтолмаганмиз. Уззу-кун далада ишлаб, ёвғон нонимизни аранг топардик. Дод десак ҳам, вой десак ҳам кунлик ишимиз шу. Вазият шуни талаб этаяпти, демак кўникиш керак. Шароитга тўғрланмасдан илож йўқ...

Энамнинг ҳикоясини тинглайман, ўйланиб қоламан: бизчи, биз?! Ичимиздаги дардимизни айта оляпмизми? Менингча, йўқ. Ҳали-ҳанузгача «катталар» деган шахслардан қўрқиб, дилимиздаги гапни айта олмаяпмиз. Биз фақат миш-мишлару ғийбатларнинг ортидан эргашиб юрибмиз.

Бир кекса момодан қандай яшаётганини сўраб боқинг-чи, албатта «қўй, болам, қариганда мени тинч қўй», — деган жавобни оласиз. У билан тил топишмоқ учун минг бир қийматла «йўрғалайсиз». Ҳаётнинг ўзи шундай мураккаб. Шу пайтгача — 20 ёшга кирибманки, тўла-тўкис нарсанинг ўзини кўрмадим. Ҳар бир ишда нимадир етишмайди. Ҳаёт қонунлари ўзи шунақа, деб қўл силтаб қўяр бўлсак, «догматик» одамлар, салкам роботларга айланиб қоламиз.

Илгарилари бувиларимиз тушларида тинчлик даврини— ўйин-кулгу деган нарсаларни кўрар эканлар. Қачон ёруғ кунларга етамиз-а, дея оҳу-нола қилишар экан. Биз энди тушларимизда шампунь, совун, шакар деган «ноёб» нарсаларни кўрамиз. Қачон ширин чой ичамиз экан-эй, деймизу аламдан хорижий музикани қўйиб сакрай бошлаймиз...

Энам ҳикоясини давомлайди: «Қўлда бола, қоринда бола, елкада кетмон билан далага борардик. Сигири борлар молини ҳам етаклаб олишарди. Эрларимиз урушга кетган. Бутун иш аёлларнинг қўлида қолган. Начора, ишлаш керак. Ҳатто ғалламиз ҳам ортиқизиб фронтга юбориб турардик...»

Биз бўлсак шу қадар пишиқ бўлиб кетганмизки, бировга бир бурда нон бергимиз келмайди.

...Кўзни қамаштирадиган даражада «посон» кийиниб олган ажнабий бир талаба, Чорсуда тиланчилик қилиб ўтирган жувонга ижирғаниб қарайди-ю, бир сўм пулни ташлаб кетади. Бу ҳам етмаганидай: «Социалистик мамлакатларингнинг аҳволи шуми», — дейди ўзининг чиройли либосларини намойишкорона кўз-кўзлаб.

Изоҳга ҳожат йўқ. Мулзам бўласан-қоласан...

Бу ерда тиланчилик қилиб ўтирганлар орасида, ҳали бориб киборлик билан таксида юрадиганлари ҳам борлигини хорижий кимсага қандай қилиб тушунтирасан, киши?..

«Ҳаммасига чидадик. Сел бўлган аламларимизни йиғиб қўшиқ қилдик. Туни билан бешик қучоқлаб хазин аллалар айтдик. Ишқилиб ўзимизни овутдик...»

Бизчи, биз?! Нега алла айтишни билмаймиз. Бизнинг дардимиз йўқми? Йўқ десак, катта гуноҳ бўлар. Орол — дардимиз. Ҳаётда қайта қурилишдан кўра кўп ҳуқуқ тиш (йўқчилик) бўлаётганининг ўзи ҳам катта дардимиз-ку! Ўзим гувоҳи бўлдим, олий ўқув юртининг ўқитувчиси абитуриент тўғрисига битта «3» баҳосини «4» қилиб бериш учун 2 минг сўм сўраган.

— Эсиз, ўз билимимни пулга сотиб олаяпман, — деди вилоятдан келган йигитча.

— Бунақа нарсалар газетада чиқавериб, ундай нарсаларни ўқийвериб кўзларимиз тешилиб кетди. Ундан кўра бир кило шакар топиб берсангиз хурсанд бўламан. Ҳозир мевалар сероб. Мураббоблар тайёрлаш керак, — деганди мен билан суҳбатда бир ишчи аёл. У ўз исми-шарифини айтмади. Газетада номи чиқишини истамайди. Ахир тинч бошим, тинч кунларим деган ақидага мен ҳам, суҳбатдошим — ишчи хотин ҳам, сиз ҳам, у ҳам — барчамиз кўникиб кетганмиз.

— Биз ёлғиз тинч яшашни, ёруғ кунлар келишини орзу қилардик, — дейди энам.

Бизчи? Ёруғ кунда яшаяпмиз. Нени орзу қиламиз? Биз ҳам тинч яшашни. Лекин бошқачароқ тинч яшашни орзу қиламиз. Яъники, киссамиз тўла пулу, уйимиз тўла молу-дунё бўлишини истаймиз. Ҳеч ким тинчлигимизни бузмаса. Бойу бадавлат бўлишни ёқтирамиз...

...Яқинда вилоят радиосидан келган мухбир дугонам билан Норин ноҳиясидаги Калинин номли жамоа хўжалигининг сут-товар фермасида бўлдик. Очиғи, дам олиш хонасини кўриб, кайфиятим бузилиб кетди. Пашшага тўла, гўнг ҳиди анқиб ётган бу хонадаги михга илинган оқ халатларнинг кирдан қоп-қорайиб кетганини ёзмаса ҳам бўлади.

Эшикда эса эндигина ишга кирган бир ёш соғувчи деворга осилиб турган плакатдаги расмга қараб шундай деган эди: Ана бу суратдаги манзаранинг чиройлилигини қаранг. Барра ўсган майсалар фермада нима қилсин? Бундай ёруғ, дабдабали дам олиш хоналарини биз тушимизда кўрсак ҳам катта гап... Бизнинг деразага ҳам парда, дам олиш хонамиз учун ул-бул жиҳозлар бериш, уйимиз бинойидек қилиб созлаб оламиз... Ана бунақанги дам олиш хоналари ростдан ҳам бормикан-а?»

— Албатта бор, сизлар ҳам талаб қилсангизлар шундай дам олиш хоналарига эга бўласизлар, — дедим суҳбатдошимга.

Йўқ, улар фақат орзу қилиш билан чекланиб қолишади, холос. Тортинишмайди. Ўзлари учун курашишдан қўрқишади. Ҳатто биз билан суҳбатда ҳам соғувчи аёллар баралла: «Нолимаймиз, шароит яхши,» — дейишади ёдлаб олгандек.

«Ёмонлаб ёзманглар. Бизларни ишдан ҳайдаб юборишади». Бу уларнинг илтимослари. Мана қўрқишларнинг илдизи қаерда...

Энамнинг гаплари қулоғим остида такрор жаранглайди: «Не қилсак ҳам жамоа хўжалигининг иши аёлларга бўлсак. Начора, шароитга мослашиш керак. Бировга дардимизни кун қилиб ёзадиган замонлар эмас эди, у пайтлар».

У пайтлар вазият шунақа бўлган. Эркаклар фронтда бўлганликлари учун жамоа хўжалиги ишлари хотин-қизлар зиммасида қолган. Ҳозирчи? Даладагиларнинг аксарияти қиз-жувонлар. Фарҳод сифат йигитларимиз, сўлакмонлар... шундай эркакларимиз қаёқда?..

Ёзувдагилар бўлсак, гап кўп. Амалий ишга киришилмаса, ёзиш билан бир наф чиқариш мушкул. Ўзи шундоқ ҳам матбуотда бунақа гаплар айтилавериб, сийқаси чиқиб кетаёзди.

Шу гапларни ёзаяпман-у, Яхё Тоғаннинг ўкинч ва ачинишли шеъри билан йўғрилган «Сувчи» шеъри ёдимга тушиб кетади:

Унга раҳмат айтиб ўтирма,
Беҳуда бир шеър билан мақтаб.
Бир пиёла чой узат унга,
Бир ёстиқча старли пахта.
Кўшиқ қўйиб бергин, эшитсин,
Комилжоннинг «Дугоҳларини».
Сўнг ёнига чўккин-да секин
Уқалаб қўй оёқларини.

Қиссадан ҳисса деганларидек, деҳқон бобомга, меҳнаткаш аёлларимизга кўнгилдагидек шароитлар яратиб берсак, истакларини бажо келтирсак, савоб иш қилган бўлур эдик. «Катталар» бу ҳақда қаттиқроқ ўйлаб кўрсалар бўларди.

Одина РАҲМОНОВА,
ТошДД толибаси.

Тарихга ҳурмат шуми?

675 йиллик кўҳна тарихга эга бўлган Толг аёллар саждагоҳи қайтадан таъмирланмоқда. Бу манзилгоҳ не-не савдоларни бошидан ўтказмади дейсиз. Ўз вақтида у гуллаб-яшнади, Руснинг йирик манзилгоҳларидан бирига айланди, шу билан бирга, бир неча марта вайрон этилди, ташландиқ жойга айлантирилди. Бундан 60 йил бурун ҳам бошига кулфат тушганди. Ўшанда унинг сўнгги саждагоҳи кўзидаги ёши, юрагидаги изтироби билан қўнғироқларни охирги марта даранглатиб, чироқларни ўчириб бу ерни тарк этганди. Бугун, ниҳоят, илиқ шамоллар эсиб, кўҳна саждагоҳ бағрига тоза шабада тегди. Халқ депутатлари Ярославль вилояти Шўроси қарори билан у Рус православ черкови ихтиёрига берилди. Бинони таъмирлаш ишлари учун қарийб бир миллион сўм маблағ ажратилди.

Денов шаҳрида рўзномамиз байрами ўтаётган кунларнинг бирида «Неделья» ҳафталик рўзномасидан юқоридагиларни ўқидим-у, ўйга толдим. Шаҳардаги Саид Оталиқ мадрасаси ҳам Толг аёллар саждагоҳи билан деярли тенгдош. XVI асрда бунёд этилган бу бино ташландиқ ҳолда ётибди. Унинг мустаҳкамлигини, ажойиб жойда барпо этилганлигини, бугун ҳам фойдаланса бўладиган кўпдан-кўп хужраларини, ноёблигини энг муҳими, тарихимиздан гувоҳ берувчи асл дурдоналигини кўриб, шу аҳволда ташлаб қўйилганлигидан изтиробга тушасан. Қанчалик бепарвомиз. Кўҳна обиданинг тақдири наҳотки ҳеч кимни қизиқтирмайди?! Ёки у эътиборга лойиқ ёдгорлик эмасми?

Таъна бўлса ҳам айтиш керак: ёдгорликларни муҳофаза этиш ташкилотлари қаёққа қарашяпти? Кўҳна обидаларни таъмир этиш уларнинг энг асосий вазифалари эмасми? Сурхондарё вилоятида ҳам шундай мутасадди ташкилот мавжуд бўлса керак. Саид Оталиқ мадрасаси бир пайтлар Ҳисор воҳасининг кўрки, фахри эди. Ярославликлардан ўрнак олиб, уни қайта таъмир этсак, бугунги манфаатларимиз учун ундан ўринли фойдалансак, ўзимиз учун фойда эмасми?

— Обидани таъмирлашга уриниш бўлганди, — дейди шаҳар комсомол қўмитасининг саркотиби Дамин Қобилов. — Ва шу иш учун 86 минг сўм ажратилганини ҳам эшитган эдик. Лекин мана кўриб турибсиз, 86 тийинлик иш қилинган эмас.

Маълумки, Шарқ меъморчилигида уйларга, биноларга темир дарвоза ўрнатиш урф бўлмаган. Лекин Саид Оталиқ мадрасасига ўрнатилган қўпол темир эшикни кўриб ёқа ушлайсиз. Мисли кўрилмаган «янгилик». Бу қайси бир валломанинг ижодийкин? Яна устига-устак дарвозага «Ёдгорликларни муҳофаза қилинг!» деб ёзиб қўйишибди. Сўраб — суриштириб билсак, ичкарига шалоғи чиққан иккита машинани олиб кириш учун мадраса дарвозаси қўпорилган экан. Нураб бораётган обидани тиклаш ўрнига уни вайрон этиш, кўр-кўрона бузиш, йиқитиш, ваҳшийлик ва қолаверса, бундай калтабинлик она тарихимиз баданига санчилган тиғ эмасми? Туппа-тузук ҳужралар ҳувиллаб ётибди. Ҳатто уларнинг эшикларини ҳам олиб кетишган.

— Ҳужралар учун анча катта маблағ сарфланиб эшиклар ясалганди, — дейди шаҳар комсомол фаоллaридан бири А. Бадалов. — Лекин эшикларнинг биронтаси ҳам ҳужраларга тўғри келмади. Охир — оқибат улар ҳам қаёққадир ғойиб бўлди.

Толг аёллар саждагоҳи эса аллақачон ихлосмандларини паноҳига олди. Бино тўлиқ таъмир этилгач, бу ерда икки юздан ортиқ аёл яшаши, ишлаши, одамларга фойда келтириши мумкин. Ҳозирча саждагоҳда 49 нафар рус, 13 украин, 6 молдаван ва шунча чуваш, 3 мордовка, 2 белорус, ҳаттоки бир нафас ўзбек аёли ҳам бор. Улар 18 дан 40 ёшгача бўлган аёллардир. Саждагоҳга қабул қилишнинг маълум бир тартиб қоидаси ҳам мавжуд. Бу ерда яшамоқчи бўлган аёл энг камида ўрта ёки олий маълумотли бўлиши керак. Чунки улар ёши бир жойга бориб қолган қарияларга, етим-есирларга мураббийлик қилишади, уларнинг иссиқ-совуғидан хабардор бўлиб туришади. Буни чакана иш деб бўлмайди, албатта. Ҳозирча саждагоҳдаги аёлларнинг 17 нафари олий маълумотлидир. Уларнинг орасида конструкторлар, иқтисодчилар, ҳисобчилар ҳам бор. Саждагоҳни кўнгилдагидек таъмир этишда уларнинг меҳнатлари, ишбилармонлиги жуда асқотаяпти.

Бизнингча, ярославликлар шундай уддабуронлик билан иш тутишиб, ҳам тарихларини сақлаб қолаяптилар, ҳам ундан фойда кўрмоқдалар.

Деновда эса дин назорати вакиллари Саид Оталиқ мадрасасини тасарруфларига олишни ва таъмир ишларини ўз ҳисобларидан бажаришни кўзлаб туришибди. Аммо уларнинг таклифлари, мана бир неча йилдирки, ерда қолиб келмоқда. Афтидан, турғунлик йилларининг гармсел шамолларидан нафас олган баъзи раҳнамоларга бу хайрихоҳлик ёқмаётганга ўхшайди. Толг аёллар саждагоҳи тенгдоши бўлмиш Саид Оталиқ тақдири қўлимизда экан, энди дадил қадам босишдан қўрқмаслигимиз керак.

Тўлқин ҲАЙИТ.

КАТТА УМИДЛАР БИЛАН

Эртага Америка Қўшма Штатларининг Сиэтл шаҳрида ёзги Яхши Ният ўйинларига старт берилади...

Агар мухлисларнинг ёдида бўлса, бу ўйинлар илк марта 1986 йили Москвада бўлиб ўтган эди. Бу АҚШ ва СССР давлатлари ўртасидаги муносабатларни яхшилашга ҳам қўшилган улушларнинг биттаси бўлганини тан олиш керак. Бежизга «Спорт — тинчлик элчиси» деб айтишмаган эканлар.

Сиэтлга бизнинг мамлакатимиздан борадиган делегация таркиби қуйидагича эди: жами 650 киши. Шуларнинг 421 нафари спортчилар, 153 нафари расмий кишилар, 35 нафари эса ҳакамлардир. Спортнинг барча турлари бўйича тузилган терма командалар аъзолари сафида 41 нафар олимпия чемпионлари, 93 нафар хизмат кўрсатган спорт мастерлари бор. Мамлакатимизнинг барча жумҳуриятларидан (Туркманистондан ташқари) вакиллар бор. Сиэтлда 21 спорт тури бўйича беллашувлар ўтказилади. Шунингдек, ўйинлар тартиби мезбонлар истагига биноан тузилган. Ундан АҚШда ҳали унча ривожланмаган бир қанча спорт турлари ҳам ўрин олган.

Хуллас, эртага бошланадиган Яхши ният ўйинларида иштирок этаётган жумҳуриятимиз спортчилари ҳам муваффақиятлар қозонишига умид боғлаб турибмиз...



Яқинда Ўрта Осиё ва Қозоғистон жумҳуриятлари мусулмонларидан 500 нафари Маккага ҳаж қилиб қайтдилар. Улар орасида Наманган вилоятидан ҳам кўпчилик мусулмонлар бор эди. Муборак сафарга наманганлик 102 ёшли нуроний отахон Ҳошимжон Юсупов ҳам бориб келди. Отанинг неча йиллардан бери орзу қилиб келган нияти охири ижобат бўлди. У киши ҳаждан қайтгач, оиласида катта тантана бўлиб кетди. Ҳар куни қўни-қўшнилар, узоқ-яқиндан меҳмонларнинг қадами узилмайди. Сафар таассуротлари, муқаддас саждагоҳнинг сир-асрорлари ҳақида ота уларга ўз хотираларидан сўзлаб берди.

СУРАТДА: Ҳошимжон ҳожи Юсупов оила аъзолари даврасида.

А. КОВТУН сурати. (ЎзТАГ).

СОВЕТ ФУТБОЛЧИЛАРИ ЯНА ЧЕТ ЭЛГА

Олег Протасов, Игорь Добровольский ҳамда Юрий Савичевлар Грециянинг «Олимпиакос» (Пирей) клуби билан шартнома туздилар...

Очиғи, энди бундай «кутилмаган» янгиликларни эшитиб сира ҳайратланишга ҳожат йўқ. Чунки эндиликда истеъдодли спортчиларимизнинг бемалол чет эл командалари билан ўзаро шартнома тузаётгани қувончлидир. Фақат ҳар хил асаббузар икир-чикирларни айтмаганда...

Аввалига Черенков, Радионов, Михайличенколарнинг чет эл командаларида ўйнаш учун кетишаётгани ҳақида хабарлар босилди. Кўп ўтмай Шмаров ва Протасовларни ҳам машҳур футболчи Олег Блохин ўзи тренерлик қилаётган «Олимпиакос» клубига таклиф қилганини эшитдик. Аммо орадан бир кун ўтмай бу рўйхатда Шмаровни эмас, бошқа яна икки футболчимизнинг номлари пайдо бўлди...

ЖАЛҒАС ОҒАНИНГ ҲИСОБОТИ

Яқинда Томди ноҳия маданият уйининг директори Жалғас Жусиповнинг йиллик ҳисоботи билан танишиб чиқдик.

Ҳисоботнинг ахборот қисми 16 бобга бўлинган эди. Мен бу бобни тишимни-тишимга қўйиб ўқиб чиқдим.

1. Ғоявий сиёсий иш;
2. Эстетик тарбия;
3. Меҳнат тарбияси;
4. Атеистик тарбия ва янгича анъаналарни жорий этиш;
5. Хотин-қизлар билан ишлаш...

Бундай тарбиявий ишларни амалга ошириш у ёқда турсин, ҳатто улар ҳақида тўлиқ ҳисобот ёзишнинг ўзига бир ой кетади. Бундан ташқари Жалғас ака ҳар уч, олти ва тўққиз ойда юқорида келтирилган рўйхат бўйича ҳисобот ёзиши керак.

Энди Жалғас оғанинг йиллик ҳисоботини бирма-бир варақлаймиз. КПСС XXVIII съезди, Бутуниттифоқ XIX партия конференцияси қарорларини бажариш бўйича қилинган ишлар баён қилинган. Бу ишлар асосан шу темада ўқилган лекцияларни қамраб олган. Шунингдек мазкур бобда СССР халқ депутатлари сайлови туфайли номзодлар билан учрашув ўтказилганлиги қайд этилган. Энди масалага чуқурроқ ёндошайлик. Одатда лекция ва суҳбатларни «Билим» жамияти аъзолари ўтказишарди. Бунинг учун ноҳия фирқа қўмиталари қошида «Билим» жамияти фаолият кўрсатмоқда. Бу жамият ўз аъзоларига ўқилган лекциялар учун ҳақ тўлайди. Хўш, шундай экан ноҳия маданият уйлари нега энди лекциялар ўқилди деб сохта ҳужжатлар тўлдиришади?

— Бизгача шундай қилиб келинган, — дейди Жалғас оға. — Биздан кейин ҳам ўзгармаса керак.

Ҳисоботнинг халқ университетлари боби билан танишиб ҳайратимиз ўн чандон ошди. Унда ҳам маданият ходимлари партия сиёсатига оид лекциялар ўқилгани қайд этилган эди. Айни бир пайтда «Билим» жамияти ҳам халқ университетлари фаолияти билан шуғулланади. Лекин ноҳияда чинакамига ишлаётган бирорта халқ университети йўқ.

Ҳисоботнинг атеистик тарбия ва хотин-қизлар билан ишлаш боблари деярли бир-биридан фарқ қилмайди.

Жалғас оғанинг ҳисоботидаги ишларнинг лоақал ярми бажарилганда ҳам ноҳияда ўтказилган тадбирларни анча вақтгача эслаб юришади. Бироқ юқорида келтирилган ҳисобот пунктларининг ҳаммасини бажаришга ноҳия маданият уйининг кучи етадими? Йўқ, албатта. Шундай бўлса ҳам ноҳия маданият уйлари қилинмаган ишларни бажарилди, деб ёзишга мажбур. Маданият министрлигининг талаби шундай! Агар белгиланган бирорта бўлим ҳисоботдан қолиб кетса вазирлик ва вилоят маданият бошқармалари қабул қилишмайди. Ҳозирча ноҳия маданият муассасаларида тартиб шундай. Бу тартиб қачон ўзгаради?

Ўзбекистон ССР маданият вазирлиги ва вилоят маданият бошқармаси жумҳуриятимизнинг Қизилқум зонасида жойлашган маданият муассасалари аҳволи қай даража эканлигини билишармикан? Қўшни Учқудуқ ноҳияси маданият уйи саккиз йилдан бери бошпана тополмай юрибди. Томди ноҳияси маданият уйи ташкил этилгандан бери иситилмайди, десак лоф деб ўйларсиз. Афсуски шундай. Энди бу ноҳиялардан қишлоқ маданият уйлари ҳақида гапириб ўтирмасак ҳам бўлади.

Эҳтимол, айрим мутасадди кишилар ноҳия маданият ходимлари нимани дўндиришди, деб писанда қилишлари мумкин. Томдилик маданият ходимлари жумҳуриятимизнинг Қизилқум ҳудудида биринчилардан бўлиб халқ театри ташкил этдилар. Театр жамоаси ўз кучи билан ҳар йили ўн минг сўм пул ишлаб топмоқда.

— Агар театрларимизга эътибор кучайтирилганда биз кўпроқ маблағ топишимиз мумкин эди — дейди театр режиссёри.

Бироқ узоқ жойларга чиқиш учун гоҳ автобус, гоҳ ёқилғи бўлмайди. Қизилқумда совхозлар орасидаги масофа 200—300 километр. Энди бу ёғини ўзингиз ҳисоб-китоб қилаверинг.

— Ўтган йили ноҳиямизда оқинлар айтишувини ўтказдик, — дейди Жалғас оға. Айтишув ноҳиямизда бетакрор талант эгалари борлигини кўрсатди. Бироқ биз ўзимиздан етишиб чиқаётган талантларни қадрламаймиз.

Томди ноҳиясидаги маданият муассасаларига анчадан бери одамлар келишмай қўйишган. Авария ҳолатига келиб қолган маданият уйларига ҳеч кимнинг киргиси йўқ. Қиш пайтларини айтмай қўя қолайлик. Лекин шундай бўлса ҳам ноҳияда оммавий-маданий тадбирлар ўтказиш ҳаддан ташқари бўрттирилиб кўрсатилади. Масалан ўтган йилнинг тўққиз ойида ноҳияда 212 та оммавий маданий тадбир ўтказилган. Бу ҳар бир кунга биттадан тадбир тўғри келади деган гап. Ноҳия қишлоқ маданият уйларида тўққиз ой мобайнида 125 та тадбир ўтказган. Уларда 14 минг 662 киши иштирок этганлиги қайд этилган. Бу рақам бир жиҳатдан сизни қувонтириши мумкин. Лекин аслида бу рақамлар кўпинча ҳаводан олиб ёзилади.

Ҳозир ноҳияда маданият вазирлиги тасарруфига кирувчи 10 та клуб, 3 та кўчма клуб, касаба уюшмаларига қарайдиган 7 та клуб мавжуд. Бироқ бу клублар аҳоли эҳтиёжини қондиришга қодир эмас.

Кейинги пайтларда ноҳияда вокал-чолғу ансамбллари шу қадар кўпайиб кетганки уларни ҳар бир қишлоқда учратиш мумкин. Томди, азалдан жировлар, оқинлар юрти эканлигини ҳозирги ёшлар унутиб қўйишган. Дўмбира садоларининг тинганига анча бўлди. Негаки мутасадди ташкилотлар ноҳия маданият уйининг директори Ж. Жусиповдан амалий иш ўрнига ҳанузгача ҳисобот талаб қилишмоқда. Ундан ҳар ойда, кварталда, олти ойда, йил охирида ҳисобот сўрашади. Ғоявий-сиёсий ишдан тортиб болалар билан ишлашгача оға жавоб бериши керак. Гўё ноҳияда бу соҳаларга жавобгар шахс йўқдай. Жалғас оға ҳам анойи эмас. У киши ҳам ойлик ҳисоботни кварталга, кварталникини олти ойликка, сўнгра ярим йилликни йиллик ҳисоботга кўчириб топшираверади. Тегишли ташкилотлар ҳам кўзларини чирт юмишиб Жалғас оғанинг ҳисоботини қабул қилаверишади.

Маҳмуд МАРДИЕВ.

ТВ

20 ИЮЛЬ — ЖУМА

● ЎзТВ I

11.30 «Театрдан икки қадам нарида». Телефильм. 12.00 «Рақс жилолари». Фильм-балет. 13.00 Такрорий фильмлар экрани. «Дала ҳовли». Бадиий фильм.

* * *

17.30 Кўрсатувлар тартиби. 17.35 Янгиликлар. 17.40 «Инсон ва табиат». Кинопрограмма.

ҚУВНОҚ ЎТСИН ТАЪТИЛЛАР

18.10 «Қум соат». Мультфильм. 18.20 «Қўғирчоқлар — менинг дўстларим». 19.00 «Ҳуқуқ ҳаётимизда». 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Футбол чорраҳаларида». 20.30 Москва. «Вақт». 21.00 «Одобнома». 21.10 Танбур ва дутор тароналари. 21.45 «Фильм суратга олиняпти». Ҳужжатли фильм. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Унутилмас сатрлар». Хўжа Аҳмад Яссавий. 23.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

● ЎзТВ II

18.05 Ҳужжатли фильмлар экрани. 19.00 Мактаб ўқувчилари учун. «Тенгдошлар» (рус тилида). 19.45 «Тошкент» студияси кўрсатади. «Шаҳар юмушлари ва ташвишлари».

● МТ I

6.00 «120 минут». 8.05 «...16 ёшгача ва ундан катталар». 8.50 «Андроников сўзи. «Нева проспекти». Телевизион фильм. 9.50 «Курорт шаҳарча». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск) 10.05 А. Миронов номли актёрлар қўшиқлари конкурси. 10.55 Болалар соати (инглиз тили дарси билан). 12.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати.

* * *

15.15 Шостакович номли Давлат квартети чалади. 15.25 Болалар учун фильм. «Питер Пэн». 2-серия. 16.35 «...Ёрқин из қолдираман». А. Тўқай ижоди ҳақида телевизион ҳужжатли фильм. 17.20 Шеърият лаҳзалари. 17.25 «Шов-шувдан сўнг». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. Москва вилояти «Правда» шўро хўжалигида ижара пудратининг жорий этилиши ҳақида («Экран»). 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 18.30 «Нотаниш Болгария». Кўрсатувни сиёсий шарҳловчи И. Кудрин олиб боради. 20.30 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати. 21.00 Коллаж (реклама, ахборот, эълонлар). 21.05 Долзарб интервью. 21.15 «Кулги кечаси». 23.35 «Гирдоб». А. Барикин ўз қўшиқларини ижро этади. 24.00 «ТСН». Янгиликлар телевизион хизмати.

● МТ II

7.30 Эрталабки бадан тарбия машқлари. 7.45 «Етти қадам». Ўз уйида қўғирчоқ театри ташкил этган Людмила ва Валерий Комиссаровлар ҳақида ҳужжатли фильм. 8.25 Ҳаракат хавфсизлиги учун. 8.30 Қишлоқ хўжалигида ўғрилик ва қўшиб ёзишлар ҳақида ҳужжатли фильм премьераси («ЦСДФ»). 8.50 Болалар учун фильм. «Кўҳна қалъа». 7-серия. 9.55 «Кема қаёққа сузмоқда». «Ҳужжатли фильм премьераси («Беларусьфильм»). 10.50 «Биродарлар, рус шоншавкатини эслайлик». Москва ҳарбий округи ансамбли иштирокида мусиқий программа. 11.25 «Бу озодлик». Ширкат ҳаракат ҳақида телевизион ҳужжатли фильм премьераси (Свердловск). 11.55 «Кечки ҳосил». Бадиий фильм.

* * *

16.30 РСФСР шаҳарлари телестудиялари. «Светозарье оқшомлари» (Киров шаҳри). 16.55 «Ғаройиб бочка». Мультфильм. 17.05 «Хайрихоҳ» ва «қаршилар». Мактаб ва маданият. 18.00 «Вақт». Янгиликлар телевизион хизмати (сурдо таржимаси билан). 18.30 «Оқ ой байрами». Читадан кўрсатилади. 18.45 Рок-н-ролл бўйича халқаро мусобақалар. 19.30 Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар! «Биз меҳмондамиз». 19.45 П. И. Чайковский номли IX халқаро конкурсда. 20.25 «Эртанги кун режалари ёки шайтон ғилдираги». Телевизион ҳужжатли фильм премьераси. «Нижнекамскшина» ишлаб чиқариш бирлашмаси жамоаси ва унинг раҳбари Н. Я. Қодиров ҳақида (Қозон). 20.55 Санъат усталари — поляк қўшиқлари II Бутуниттифоқ фестивали ҳакамлар ҳайъати аъзоларининг концерти. Витебскдан кўрсатилади. 22.55 Яхши ният ўйинлари. Волейбол. Хотин-қизлар. Перу — ХХР терма командалари. АҚШдан олиб кўрсатилади.

Муҳаррир Жаббор РАЗЗОҚОВ.

«Ёш ленинчи»
«Молодой ленинец» орган ЦК ЛКСМ Узбекистана
Издается на узбекском языке.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32-УЙ.

ТЕЛЕФОНЛАР:
ҚАБУЛХОНА — 32-56-58
ХАТЛАР БЎЛИМИ — 32-54-65.
513500 НУСХАДА ЧОП ЭТИЛАДИ.
ИНДЕКС: 64607.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси.
1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12
Р. — 04692. Д. — 23504.